Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши. № 28 (13,588).

2 ФЕВРАЛЬ 1967 йил ПАЙШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Андижон областининг колхоз ва совхозлари Советларга сайловларни муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, гўшт етиштириш юзасидан шу йил биринчи квартал планини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга тирик вазнда 4.156 тонна гўшт сотилди.

Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш давом этмоқда. (УзТАГ).

●

САМАРҚАНД. Булунгур районидаги «Октябрь» колхози давлатга 280 центнер гўшт топшириб, 1 квартал планини ошириб адо этди.

Райондаги «Партия XXII съезди» колхози ва «Рассвет» совхози ҳам давлатга гўшт топшириш юзасидан 1 квартал учун белгиланган планларни бажардилар.

Шунингдек Жиззах районидаги Навоий номли колхоз чорвадорлари давлатга биринчи кварталда пландаги 21 тонна ўрнига 23 тонна бўрдоқи гўшти сотдилар.

●

ГУЛИСТОН. (УзТАГ). Мирзачўл да зотли парранда тухуми етиштирувчи репродуктор — йирик совхоз қурила бошланди. Илгари Гулистон зотли парранда совхози ўрнида механизациялаштирилган типовой паррандахоналар, инкубаториялар, жўжалар учун батареяли цехлар қурилади. Хўжалиқда тухум берадиган юз минг товуқ боқилади. Бу хўжалик йилига қарийб 20 миллион дона тухум етказиб беради.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1 февралда Узбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VI пленуми бўлди. Пленум ишида район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари қатнашдилар. Пленум Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ пленумда шу масала юзасидан доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Н. СЕГЕДИН, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. УСМОНОВ, Тошкент область партия комитетининг секретари Ҳ. Р. МУСАХОНОВА, Узбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. ЯШИН, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Сирдарё область, Киров район партия комитетининг биринчи секретари К. ИСКАКОВ, «Ширабадканалстрой» қурилиш бошқармаси бетончилар бригадасининг бошлиғи Л. Ф. ЧЕРНИКОВА, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. СОДИҚОВ, Тошкентдаги В. П. ЧКАЛОВ номли авиация заводининг мастери Т. Г. ПАВЛОВА, Хоразм область ижроия комитетининг раиси М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастери Л. А. СВЕТАШОВА, Андижон область, Ленин район партия комитетининг биринчи секретари Х. МАМАЖОНОВ, Хоразм область, Янгиариқ районидаги «Москва» колхозининг раиси И. ЮСУПОВ, Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. А. КОЗИМОВ ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди. (УзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд қиладики, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Улуғ Октябрнинг шонли йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг халқ оммаси ўртасида катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни авж олдириб юбордилар.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги қарорини зўр қониқиш ҳисси билан, қудратли Ватанимиздан бениҳоя фахрланиш туйғуси билан кутиб олдилар. Бу мазмунан чуқур, назарий ва сиёсий ҳужжатда партиямиз, совет халқи босиб ўтган эллик йиллик йўлнинг улуғвор натижалари акс этган. Советлар мамлакати ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар, Октябрь революцияси таъсирида бутун мамлакатлар ва халқлар тақдирида, бутун инсоният тарихида юз берган тубан ўзгаришлар манзараси берилган, партия ва барча жамоат ташкилотлари амалий фаолиятининг конкрет вазифалари белгиланган. Совет ҳокимиятининг шонли юбилейига тайёргарлик кўриш соҳасидаги ташкилий ва идеологик ишларнинг тадбирлари кўрсатилган. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми партиямиз Марказий Комитетининг бу қарорини тўла-тўкис ва яқдиллик билан маъқуллайди ва уни амалий фаолиятида асосий қўлланма деб қабул қилади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги — бу чиндан ҳам Ватанимиздаги барча халқлар, бутун дунё меҳнаткашлари ҳаётидаги ажойиб, жаҳоншумул-тарихий воқеа, коммунизм, марксизм-ленинизм ғоялари, Владимир Ильич Ленин ўлмас таълимоти эришган улуғвор ғалабаларнинг байрамидир. Октябрь революциясининг юлдузи йил сайин янада ёруғ нур таратмоқда, унинг ишлари, ғоялари ўлмасдир.

Октябрь революцияси мамлакатимиз ва бутун дунё ҳаётида бурилиш марраси бўлди, меҳнат аҳлининг асрлардан бери қилиб келган орзу-умидларини рўёбга чиқарди, социализм, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, халқлар дўстлиги ва қардошларча бузилмас ҳамкорлигининг юксак идеалларини мужассамлантирди, эндиликда жаҳон тараққиётининг боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётган социалистик системанинг барпо этилишини ва мустаҳкамланишини таъминлади, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ўсишига ёрдам берди.

Бутун Совет Иттифоқи сингари Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг «СССРнинг ташқи сиёсати ва КПССнинг коммунистик ҳаракат жипслиги учун кураши тўғрисида»ги қарорини тўла мамнуният билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини бутунлай ва тўла маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, ҳозирги хитой раҳбарларининг антиленинча йўлини ва бузғунчилик ҳаракатларини, марксизм-ленинизмга ҳиёнат қилиш йўлига ўтган Мао-Цзэ-дун ва унинг группасининг улуғ давлатчилик, советларга қарши сиёсатини ғазаб билан қораламоқдалар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати амалга оширилганлиги туфайли барча совет республикаларининг ҳаёти таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Совет халқларининг қардошлик оиласида ўзбек халқи ҳам янги ҳаёт қуришида эжойиб ютуқларга эришди. Улуғ Октябрь байроғи остида, жонажон Ленин партияси раҳбарлигида ўзбек халқи кураш ва меҳнатнинг қаҳрамонона йўлини, ажойиб ўзгаришлар ва жасоратлар йўлини босиб ўтди.

Совет ҳокимияти йилларида Узбекистон қолоқ ўлкадан биринчи даражали индустрияга эга бўлган, кўп тармоқли ва юқори даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига, шаклан миллий, мазмунан социалистик илғор маданиятга эга бўлган, гуллаб-яшнаётган совет республикасига айланди. Ўзбекистон ССРда кишиларнинг бутун ҳаёт уклади, турмуши ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Республикада юксак идеал эгаси бўлган, дунёқараши кенг, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, коллективизм, ўртоқлик, ижтимоий бурчга содиқликдан иборат олижаноб туйғу эгаси бўлган янги киши етишиб чиқди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари социализм қурилишида, экономика ва маданиятни ривожлантиришда ажойиб ютуқларга эришиб, эндиликда СССРдаги барча халқлар билан қўлни-қўлга бериб, ҳамжиҳатлик билан юксак мақсад — коммунизм тантанаси томон бормоқдалар.

Республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, интеллигенцияси КПСС Программасини ва партия XXIII съезди белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Саноат, капитал қурилиши, қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ўсмоқда. Фан, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини оширишда катта ютуқларга эришилди.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик республикамизда халқ оммасининг меҳнат ва сиёсий активлигини беқиёс оширди. Завод, фабрикаларда, қурилишларда, колхоз ва совхозларда шонли юбилей шарафига социалистик мусобақа тобора авж олмоқда.

Пленум шуни таъкидлайдики, барча партия комитетлари, барча партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист фаолиятида беш йиллликнинг иккинчи йили халқ хўжалиги вазифаларининг амалга оширилишини ташкилий ва сиёсий жиҳатдан таъминлаш, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини республика экономика ва маданиятини ривожлантиришда катта меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар қилиш асосий ўрин олмоғи лозим.

Пленум планлаштиришни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш соҳасидаги тадбирларни бундан кейин ҳам амалга оширишни партия, совет ва хўжалик органларининг муҳим сиёсий вазифаси деб ҳисоблайди. Меҳнаткашларнинг куч-ғайратини ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этишга, меҳнат унумдорлигиниг оширишга, социалистик интизомни мустаҳкамлашга йўналтирмоқ лозим. Капитал қурилишни кескин равишда яхшилаш, ишга туширилаётган ва юбилей объектларини ўз вақтида фойдаланишга топширишни таъминлаш керак. Республика пойтахтини тиклаш, реконструкция қилиш ва обободлаштириш ишларини кенг фронт бўйлаб олиб бормоқ зарур. Тошкент қурилиши — умумхалқ ишидир.

Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи, ҳар бир коммунистнинг вазифаси юбилей йилида давлат планларини ва социалистик мажбуриятларни бажармаган бирорта ҳам корхона, қурилиш, цех, участка, бригада бўлмаслигига эришишдан иборат.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллигига тайёргарлик қишлоқ хўжалигини юксак суръатлар билан ривожлантириш асосида уни интенсивлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса пахта етиштиришни кўпайтиришни таъминлашдан иборат бўлиши керак. Республиканинг энг муҳим вазифаси — юбилей йилида камида 3 миллион 800 минг тонна пахта ҳосили етказиб беришдир.

Бу вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг зарурий шарти деҳқончилик маданиятини оширишдан, сув хўжалиги қурилиш суръатини тезлаштиришдан, янги суғориладиган ерларни ўзлаштиришдан, жамоат чорвачилигини янада ривожлантиришдан иборат. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлашга, ҳамма жойда хўжалик ҳисобини жорий қилишга, моддий рағбатлантиришни кучайтиришга жиддий эътибор беришлари керак.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг Улуғ Октябрнинг 50 йиллик шарафига шавкатли меҳнат символи сифатида Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг ҳотира байроғини таъсис этиш (пул мукофоти билан биргаликда) ва бу байроқларни ўз мажбуриятларини бажаришда юксак натижаларга эришган саноат корхоналари, алоқа, коммунал хўжалик, маиший-хизмат, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, маданият муассасалари, қарбий қисмлар коллективларига бериш ҳақидаги қарорини маъқуллайди.

Республика партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришлари, уй-жой ва маданий-оқартув муассасалари қурилиши планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, уларни кўкаламзорлаштириш тадбирларини амалга оширишлари, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни, коммунал корхоналар ва транспортнинг ишини анча яхшилашлари керак. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кишларнинг турмуш маданиятини ошириш ва республикада, хусусан қишлоқ жойларда маданий қурилишни авж олдириш масалаларига бағишланган XIII ва IV пленумлари қарорларини бажариш соҳасидаги ишлари кучайтирмоқ зарур.

Пленум саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтиришни таъминлаш мақсадида коммунистик қурилиш ва оммани тарбиялашнинг синалган методи бўлган социалистик мусобақа ва унинг олий формаси — коммунистик меҳнат ҳаракатидан тўла-тўкис фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди. Юбилей шарафига бошланган социалистик мусобақада ҳамма техника-иқтисодий кўрсаткичларни ошириш, техника тараққиётини тезлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, материалларни, ёқилғини, электр энергия ва хом ашёни, давлат маблағларини тежаб ва авайлаб сарфлаш, социалистик интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқлик ва тартибот учун кураш олиб бориш лозим.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан фан, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш соҳасида катта вазифалар турибди. Олимларнинг юксак ватанпарварлик бурчи ўз эътиборларини фан ва техника тараққиётининг энг муҳим масалаларини ҳал қилишга, илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришда жорий қилишга қаратишдан иборат. Ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, архитекторлар, кино ва театр ходимлари ижодий ютуқларини кўпайтиришлари. Ўзбекистон меҳнаткашлари ва бутун совет халқининг шонли 50 йиллик мобайнидаги буюк жасоратларини акс эттирувчи янги, йирик бадиий асарлар яратишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига омма орасида олиб борилаётган идеология ишларини кучайтириш, бу ишларни КПСС XXIII съезди томонидан қўйилган муҳим сиёсий ва иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш билан янада маҳкамроқ боғлаб олиб бориш вазифасини юклайди. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги қарори бутун ғоявий-сиёсий ишларимизга асос бўлмоғи лозим.

Идеология ишларининг турли хил форма ва воситалари — пропаганда, матбуот, радио ва телевидениедан кенг фойдаланган ҳолда мамлакатимиздаги ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги революцион ўзгаришлар учун Октябрнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини, совет халқи ва бошқа социалистик мамлакатлар халқларининг тарихий ютуқларини, социализмнинг капитализмдан туб афзалликларини, социалистик демократияни, СССР халқлари дўстлигининг улуғворлигини ҳар томонлама кўрсатиб бериш, совет кишиларининг қаҳрамонона ишларини ёрқин очиб бериш, уларни янги меҳнат зафарларига илҳомлантириш, илмий коммунизм ғояларининг ғалабаси учун, антимарксистик оқимлар ва оғишларга қарши, партиямиз ленинча бош йўлининг ғалабаси учун В. И. Ленин раҳбарлигида КПСС олиб борган курашнинг тарихий сабоқларини чуқур очиб бериш керак.

Бутун ғоявий-тарбиявий ишлар халқнинг революцион ва меҳнат традицияларини янада ривожлантиришга, меҳнаткашларда юксак ахлоқий фазилатларни, коммунистик идеалларга садоқат, гражданлик бурчи туйғусини, буржуа идеологиясига муросасиз бўлиш, ҳамма нарсадан Ватанимиз манфаатларини устун қўя билиш, социализм эришган ғалабаларни қўлда қурол билан ҳимоя қилишга тайёр туриш туйғуларини тарбиялашга ёрдам бермоғи лозим. Республика партия ташкилотининг бутун идеология ишлари марказида кенг меҳнаткашлар оммасини интернационал руҳда тарбиялаш вазифаси туриши керак.

Партия ташкилотлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни янада яхшилашга доимий эътибор бермоқлари даркор. Усиб келаётган авлодни партия ва халқимизнинг шонли революцион ва меҳнат традициялари руҳида. Владимир Ильич Ленин васиятларига, Октябрь ғалабаларига садоқат руҳида тарбиялаб ўсиришлари лозим. Республика комсомол ташкилотлари ёшларда мамлакатимизда коммунизм қурилишининг актив қурувчилари бўлиш, билимларни эгаллаш, социалистик Ватаннинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтириш иштиёқини ҳар томонлама авж олдиришлари ва қўллаб-қувватлашлари зарур.

Пленум область, шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига ташкилий-партиявий ва партиявий-сиёсий ишлар савиясини ошириш вазифасини юклайди. Хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик услуби ва методларини доим такомиллаштириб бориш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини ошириш, ҳар бир коммунистда топширилган иш учун катта масъулият ҳиссини тарбиялаш керак. Шу мақсадда Ўзбекистон КП Марказий Комитети V пленуми қарорининг албатта бажарилишига эришмоқ зарур.

Республика партия комитетлари, министрликлар ва идоралари таъсирчан контролни кучайтиришлари ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашлари керак.

Область, шаҳар, район партия комитетлари меҳнаткашлар депутатлари Советларининг коммунистик қурилиш, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришдаги ролини оширишлари зарур. Советларнинг фаолияти халқ хўжалиги иланлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида меҳнаткашларнинг активлигини оширишга, уй-жой ва маданий-маиший қурилишни кучайтиришга, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш ва маданий савиясини оширишга қаратилмоғи лозим. Барча партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — Ўзбекистон ССР Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайловларни уюшқоқлик билан ва юксак даражада ўтказишдан иборат. Бу сайловлар республика меҳнаткашларининг юксак сиёсий активлигини, уларнинг уюшқоқлиги ва бирлигини ҳамда жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганлигини яна бир бор намойиш қилади.

Пленум Узсовпроф, касаба союз комитетлари ва советлари зиммасига Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўришда касаба союз ташкилотларининг иштирокини активлаштириш, ҳар бир меҳнаткашнинг ана шу буюк санани беш йиллик вазифаларни бажариш ва ошириб бажаришга ўз шахсий ҳиссасини қўшиш билан кутиб олишга эришиш вазифасини юклайди. Социалистик мусобақани ва коммунистик меҳнат ҳаракатини, ишчи ва хизматчиларнинг ижодий ташаббуси ва активлигини авж олдириш, меҳнаткашларнинг меҳнати, турмуши ва дам олишини ташкил этиш соҳасидаги ишларни яхшилаш юзасидан доимий иш олиб бориш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми республикамизнинг ҳамма коммунистларини, ишчилари, колхозчиларини, бутун интеллигенциясини Совет ҳокимиятининг шонли юбилейини саноат, қурилиш, транспорт ва алоқани, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда, маданий қурилишда янги ютуқлар билан кутиб олишга чақиради ҳамда Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида фидокорона меҳнат қилиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, севикли Ватанимизнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга республикамиз қўшадиган ҳиссани кун сайин кўпайтирадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ИОСИП БРОЗ ТИТОНИНГ СССРДА БУЛИШИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси Ўртоқ Иосип Броз Тито 1967 йил 28 январдан 31 январгача ғайри расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Ўртоқ И. Броз Тито СССРда бўлган вақтида суҳбатлар ўтказилиб, бу суҳбатларда совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Ю. В. Андропов ва бошқа раҳбарлар қатнашдилар. Суҳбатларда Югославия томонидан эса, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси Ўртоқ И. Броз Тито, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ижроия комитетининг секретари Ўртоқ М. Тодорович ва бошқа кишилар иштирок этдилар.

Ошкора, дўстона вазиятда ўтган суҳбатлар вақтида томонлар Совет — Югославия муносабатлари масалалари юзасидан, шунингдек муҳим халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Ҳар икки томон Совет — Югославия муносабатлари муваффақиятли ривожланаётганлигини мамнуният билан қайд қилиб, СССР билан Югославия Социалистик Федератив Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни бундан бўён ҳам кенгайтиришга ва мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчлик ва социализм иши учун актив кураш олиб боришга интилаётганликларини яқдиллик билан айтдилар.

САМИМИЙ ВА ДУСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси Иосип Броз Тито шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда Югославия томонидан Иованка Броз, Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети ижроия комитетининг секретари М. Тодорович ва бошқа кишилар бор эди.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев рафиқаси билан, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров рафиқаси билан, А. Я. Пельше рафиқаси билан, Д. С. Полянский рафиқаси билан, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин ва бошқа ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Л. И. Брежнев билан И. Броз Тито ўртоқлар нутқ сўзлаб қадаҳ кўтардилар.

ЎРТОҚ ИОСИП БРОЗ ТИТО МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан ғайри расмий қисқа визит билан Москвада меҳмон бўлган Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар союзининг раиси Иосип Броз Тито рафиқаси ва ҳамроҳлари билан 31 январда Москвадан жўнаб кетди.

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Киев вокзалида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров рафиқаси билан ва бошқалар Ўртоқ И. Броз Титони ва унинг йўлдошларини кузатиб қўйишди.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ИТАЛИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Италия Республикасининг Президенти Жузеппе Сарагатнинг таклифига биноан давлат визити билан Италияда саккиз кун бўлганидан кейин 31 январда Москвага қайтиб келди.

Н. В. Подгорнийга ҳамроҳ бўлиб борган кишилар ҳам у билан бирга Москвага қайтишди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган аэропортда Н. В. Подгорнийни ва унинг йўлдошларини К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, Д. Ф. Устинов ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 1 февраль. (ТАСС). Бугун Москвада Ленинские горы пионерлар саройида ВЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи пленуми ўз ишини бошлади. Пленумни ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов очди.

Пленум КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунларини, пионерлар иши проблемаларини, мамлакат комсомол ташкилотларининг Улуғ Октябрь 50 йиллигига тайёргарлик кўриши вазифаларини муҳокама қилади.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА, ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВНИНГ Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VI пленумида шу йил 1 февралда қилган доклади

Ўртоқлар! Буюк Ватанимиз юбилей йилига, Совет ҳокимияти эллик ёшга тўладиган йилга қадам қўйди. Мамлакатимиз халқлари, бутун прогрессив инсоният дунёда биринчи социалистик давлат туғилган куннинг жаҳоншумул-тарихий санасини тантанали нишонлашга тайёрланмоқда.

Бу юбилейнинг жуда катта халқаро сиёсий аҳамиятини эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақида» махсус қарор қабул қилди.

Бу муҳим ҳужжатда Улуғ Октябрнинг бутун инсоният тақдири учун аҳамияти чуқур ва ҳар томонлама очиб берилган, мамлакатимизда ва бутун дунёда Улуғ Октябрь ғоялари, улуғ Ленин ғоялари таъсирида юз берган социал-иқтисодий ўзгаришларга илмий анализ берилган, 50 йил мобайнида доҳис Коммунистик партия раҳбарлигида давлатимиз босиб ўтган тарихий йўл умумлаштирилган.

Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги даврни — капитализмнинг ҳалокати ҳамда социализм ва коммунизмнинг қарор топиши даврини очиб берди. помещиклар ва капиталистлар ҳукмронлигига ҳотима бериб, меҳнат аҳли ҳокимиятини ўрнатди.

Жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг туғилиши ва унинг ярим асрлик қаҳрамонона йўли улуғ В. И. Ленин номи билан, унинг ўлмас геннал таълимоти билан, у барпо этган Коммунистик партиянинг фаолияти билан маҳкам боғлангандир.

Ўтган ўн йилликлар мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи меҳнатда ва жанг майдонларида мислсиз жасорат кўрсатди. Октябрь — бу ишчилар синфининг жасорати. Октябрь — бу коммунистлар партиясининг жасорати. Октябрь — бу ўлмас Ленининг жасоратидир.

Совет давлати ўз тараққиётининг ҳамма босқичларида — пролетариат диктатураси галаба учун олиб борилган жангларда, мамлакатни индустриалаштиришни ва қишлоқ хўжалигини кооперативлаштириш ленинча планини амалга оширишда, социализм қурилишида ҳамда урушнинг шиддатли синовларида совет халқи жуда катта қийинчиликларга бардош бериб, мислсиз матонат, революцион фидокорлик ва юксак саб-чидам кўрсатди.

Мамлакатимиздаги мисли кўрилмаган социал-иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим натижаси — СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонганлиги ва коммунизм қурилишига муваффақият билан ўтилишидир.

Октябрь революциясининг натижалари, Совет Иттифоқининг жаҳоншумул тарихий ғалабалари марксизм-ленинизм таълимотининг енгилмас кучи ва ҳаётийлигини ҳамда социализмнинг капитализмдан беқиёс афзалликларини тасдиқлаб берди.

Октябрь революцияси бутун дунёда революция ҳаракатига қудратли куч бағишлади. халқаро пролетариат кураши билан эзилган миллатларнинг миллий озодлик ҳаракатини ягона оқимга бирлаштирди.

Октябрь ғоялари халқларни зулмларга қарши, ўз озодликлари ва мустақилликлари учун курашга қўзғотди.

Ўтган ярим аср мобайнида инсоннят тараққиёти дунёнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган Октябрь революцияси ғояларининг тантанаси белгиси остида ўтди. Европа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатларида, шунингдек, Лотин Америкасида — Кубада социалистик революцияларнинг ғалаба қозонганлиги, жаҳон социализм системасининг қарор топганлиги, собиқ мустамлака ва ярим мустамлакаларда миллий озодлик революцияларининг гуркираб ривожланиши, бу жойларда ёш миллий давлатларнинг пайдо бўлиши — буларнинг хаммаси дунёни революцион тарзда янгилашнинг Октябрь бошлаб берган давомидир.

Ярим асрдан бери жаҳон тараққиётига бош бўлиб келаётган Совет Иттифоқи ҳозирги замон революцион ҳаракати олдидаги интернационал бурчини муқаддас биллиб бажариб келмоқда, тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигининг энг кучли посбони, жаҳон социализмининг асосий кучи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Совет кишилари, ер юзидаги барча меҳнаткашлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини тантанали нишонлашга ҳозирлик кўраётганлар, ўзларининг бутун фикр-зикрлари ва нигоҳларини Ленин партиясига қаратмоқдалар. Ленин партияси сиймосида инсониятнинг энг улуғ идеаллариии — халқ донолигини, аниқ мақсад ва геннал башоратни, букилмас ирода ва чуқур инсонийликни, олга томон эўр интилиш, халқ манфаатлари, марксизм-ленинизм ғояларига абадий содиқлик намунасини кўрмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Октябрнинг 50 йиллигини ўз сафларини монолит жипслаштирган ҳолда, коммунистик қурилишга ҳар томонлама раҳбарлик қилиш тажрибаси билан бойиган, ҳамма ва ҳар қандай антиленинча оқимларга қарши, марксчаленинча назариянинг поклиги ва уни изчил ривожлантириш учун курашда тобланган ҳолда, меҳнаткаш оммаиинг ишонч-эътиқодини, чин меҳрини қозонган ҳолда кутиб олмоқда.

Партия улуғ Ленин байроғини баланд кўтариб, совет халқини КПСС Программаси ва XXIII съезд қарорларида белгиланган коммунистик қурилишнинг улкан планларини амалга ошириш йўлидан комил ишонч билан олиб бормоқда.

Барча қардош совет халқларининг ягона сафида республикамиз меҳнаткашлари ҳам Совет ҳокимиятининг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олмоқдалар. Улуғ Октябрь байроғи остида, жонажон партия раҳбарлигида ўзбек халқи кураш ва меҳнатнинг қаҳрамонона йўлини, ажойиб ўзгаришлар ва жасоратлар йўлини босиб ўтди.

Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида қолоқ ўлкадан биринчи даражали индустрияга, кўп тармоқли ва юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига эга бўлган, ибтидо маданиятли, кундан-кунга яшнаётган Совет республикасига айланди. Ўзбекистон ССРда кишиларнинг бутун ҳаёт уклади, турмуши ва дунёқараши тубдан ўзгарди, юксак идеал эгаси бўлган, дунёқараши кенг, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳи сингиб кетган олижаноб тийғу эгаси бўлган янги инсон камол топди. Ўзбекистон меҳнаткашлари социализм қурилишида экономика ва маданиятни ривожлантиришда гоят катта ютуқларга эришиб, эйдиликда СССРдаги барча халқлар билан қўлни-қўлга бериб, баҳамжиҳат бўлиб, асл мақсад — коммунизм тантанаси сари шахдам қадамлар билан бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитети бизни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини меҳнаткашларнинг катта байрами, СССРдаги барча халқларнинг байрами, Октябрь ғоялари, коммунизм ғоялари тантана қилган байрами сифатида нишонлашга даъват этмоқда.

Владимир Ильич Ленин Улуғ Октябрни байрам қилишнинг энг яхши воситаси шундаки, шу кунлари биз бутун эътиборимизни хал қилинмаган вазифаларга қаратамиз, деган эди. КПСС Марказий Комитети улуғ дохийнинг ана шу сўзларини доимо эсда тутиб, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларига КПСС XXIII съезди томонидан белгилаб берилган планларни амалга ошириш учун курашни янада кенгроқ авж олдиришни тавсия қилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ана шу кўрсатмаларга амал қилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари ҳақидаги масалани Марказий Комитет пленумининг муҳокамасига кўйишни лозим топди.

I.

САНОАТ ВА ҚУРИЛИШНИНГ ЯНГИ РАВНАҚИ УЧУН

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг Октябрь юбилейига тайёргарлик ҳақидаги қарори бутун мамлакатда қизғин кутиб олинди, совет кишиларининг онги ва қалбидан чуқур жой олди. шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини севикли Ватанимиз шон-шуҳрати йўлида янгидан-янги зафарларга илҳомлантирди.

Байрам шарафига социалистик мусобақа большевистик жўшқинлик билан тобора кенг қулоч ёймоқда, ҳамма жойда беш йиллик биринчи йилининг натижаларига якун ясалмоқда, юбилей йилининг янги марралари белгиланмоқда.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партия XXIII съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ўтган йилни халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришда катта ютуқлар билан нишонладилар.

Маълумки, ўтган йили бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Бу эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамма асосий турлари билан узлуксиз таъминлаш имкониятини беришга қолмай, айни вақтда мамлакатимизнинг стратегик резервларини тўлдириш имконини ҳам беради.

Саноатда эришилган ютуқлар ҳам бизни қувонтирмоқда. Саноатимиз белгиланган суръат билан баравар қадам ташламоқда, айни вақтда планлаштириш ва ишлаб чиқаришга раҳбарликнинг янги методлари асосида аста-секин қайта қурилмоқда.

Ҳамма иттифоқдош республикалар, шу жумладан Совет Ўзбекистони ҳам ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда олга томон катта қадам ташлади.

Республика саноат корхоналари коллективлари давлат планини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари қарийб бир неча миллион сўмлик маҳсулот бердилар. Ҳамма областлар, Қорақалпоғистон АССР, шунингдек Тошкент шаҳри йиллик планни муваффақиятли бажардилар.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1965 йилдагига нисбатан 9 процент кўпайди. Республика транспорт ва алоқа корхоналари коллективлари бирталай ютуқларга эришдилар.

1966 йилда давлат капитал маблағлари ҳажми анча кўпайди. кўпгина мавжуд корхоналарда янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Тошкент ва Навоий ГРЭСларида, Фарғона ТЭЦида янги агрегатлар, Тошкент ёг-мой комбинати, Наманган сут-мой заводи, Самарқанд мебель фабрикаси фойдаланишга топширилди. Аҳоли 2,7 миллион квадрат метрга яқин шинам уй-жой олди.

Айни вақтда бизни шу нарса ташвишга солаётирки, баъзи министрликлар, идоралар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, партия ва совет органларининг раҳбарлари капитал маблағлардан янада самаралироқ фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга солиш масалаларига лозим даражада эътибор бермаётирлар.

Республика Енгил саноат министрлиги, Пахта тозалаш саноати. Соғлиқни сақлаш. Савдо министрликлари, Фанлар академияси ҳамда «Главташкентстрой» да асосий фондларни ишга тушириш ишлари кўнгилдагидек эмас. Республикадаги корхоналардан 120 таси 1966 йил планини бажармаганлигини, биноларни давлатга 22 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот кам берганлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бундай қолоқлик тараққиётимизга тўсқинлик қилади. Октябрнинг 50 йиллиги арафасида эса айниқса тоқат қилиб бўлмайди.

Шу юбилей йилида биз республика халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш юзасидан катта вазифаларни бажаришимиз, байрамни меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишимиз керак.

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 7,6 процент, меҳнат унумдорлиги 4 процент ортиши керак. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари билан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш суръатини янада яқинлаштириш назарда тутилмоқда.

Халқ хўжалигидаги техника тараққиётини белгиловчи саноатнинг асосий тармоқлари бундан кейин ҳам авваллигидек ривожлантирилаверади. Масалан, энергетикани ривожлантиришга бу йил ўтган йилдагига нисбатан қарийб 25 процент кўп капитал маблағ ажратилди. 520 минг киловатт қувват, шу жумладан Тахиатош ГРЭСида 100 минг киловатт қувват ишга туширилади. Бу эса Қорақалпоғистон Автоном республикаси ва Хоразм областининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада тезроқ ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистоннинг мамлакатнинг асосий ёнилги базаларидан бири сифатидаги роли янада кўпроқ ортади. Газ чиқариш 28 миллиард кубометрга етади. Бу эса Иттифоқ бўйича чиқарилаётган газнинг деярли бешдан бир қисмини ташкил этади.

Химия саноатини ривожлантиришга 52 миллион сўм ажратилди. Аммиак, азот ўғитлари ва олтингугурт ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Иттифоқда биринчи бўлиб, Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида кислород билан эритиш объектлари комплекси ишга туширилади. Машинасозлик заводларида енгил ва озиқ-овқат саноатидаги мавжуд қувватларни реконструкция қилиш ва кучайтириш юзасидан ҳам катта ишлар қилинади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, уларнинг ассортименти анча кўпаяди ҳамда уларнинг сифати яхшиланади.

Бу йил Наманган ипак ва костюмбон газламалар комбинатининг биринчи навбати, Андижон трикотаж фабрикасининг иккинчи навбати, кўпгина озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноати корхоналари ишга тушади. Пахта тозалаш саноати корхоналарининг қувватларини ошириш ва уларни техника билан қайта қуроллантиришга алоҳида эътибор берилмоги лозим.

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик ҳақидаги карори бизнинг зиммамизга асосий диққат-эътиборни халқ хўжалигининг энг муҳим вазифаларини ҳал қилишга ва биринчи навбатда саноатни янада ривожлантириш, фан ва техника ютуқларидан ҳар томонлама фойдаланиш асосида иқтисодий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини ошириш, пластлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системасини яхшилаш, иқтисодий мўносабатларни такомиллаштиришга қаратиш вазифасини юклайди.

Ўтган йил биз учун хўжалик ислоҳотини КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми (1965 йил) қарорлари асосида амалга ошира бошланган биринчи йил бўлди. Республиканинг ҳамма корхоналарида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик кўриш ишлари авж олиб кетди. ишлаб чиқариш резервларини кидириб топиш ва улардан фойдаланишда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишда меҳнаткашларнинг ижодий активлиги кучайди.

Республика ихтиочилари ва рационализаторлари армиясининг сафи анча ёсди. Улар ўтган йил ичида 40 минг таклиф киритдилар. Шу таклифлардан 30 миллион сўмдан зиёд иқтисодий фойда олинди.

Буларнинг ҳаммаси, оқибат натижада кўпчилик саноат корхоналарининг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди. Саноатда меҳнат унумдорлиги бир йил ичида 5 процент кўпайди.

Бу йил бутун мамлакатимизда бўлганидек, республикамизда ҳам корхоналар планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёрланадилар ва ўтадилар. Бу ишлар кенг миқёсда олиб борилади. 191 саноат корхонаси янгича ишлашга ўтиши керак. 800 корхона янги системага 1968 йилнинг биринчи январидан ўтади. Бунга тайёргарлик ишлари ҳозирнинг ўзидаёқ бенстесно ҳамма корхоналарда авж олдирилиши керак. Бу иш ўз ичига кўпгина масалаларни олади.

Биринчидан, меҳнаткашлар коллективлари орасида хўжалик ислоҳотининг моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш керак, кишилар онгини шунга тайёрлаш, ўларда ўтказилаётган тадбирларнинг тўғрилигига астойдил ишонч ҳосил қилиш, кадрларнинг иқтисодий ўқувини ташкил қилиш керак.

Иккинчидан, ҳар бир корхонада бутун иқтисодий ишларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, асосий фондлардан, фан, техника ютуқларидан ва илғор тажрибалардан янада яхшироқ фойдаланиш учун курашга оммани сафарбар қилиш, чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишни жорий этиш зарур.

Учинчидан, нормативларнинг асосий кўрсаткичларини, янги ялгўржи нархларни ва моддий рағбатлантириш системасини ишлаб чиқиш лозим.

Бу ҳаётий муҳим масалаларнинг ҳаммаси республика корхоналари бошланғич партия ташкилотлари, барча партия ва хўжалик органларининг диққат марказида туриши керак.

Бу йил транспорт ва алоқа янада ривожлантирилади. Юк ташиш ҳажми ошади, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари шохобчалари кўпайтирилади. Тошкент ҳалқа йўли, Тошкент—Чиноз участкасидаги автомагистрал қурилиши тугалланади, Бухоро—Нукус трассасидаги автомобиль йўли очилади.

Биз ҳали жуда катта ҳажмларда қурилиш ишларини бажаришимиз керак. Шу мақсадлар учун 1,5 миллиард сўмдан зиёд давлат капитал маблағлари ажратилди. Бу, ўтган йилги ҳажмдан 16 процент кўпдир.

2 миллион 900 минг квадрат метрга яқин уй-жой, кўпгина мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший хизмат кўрсатадиган объектлар қуриш мўлжалланмоқда. Водопроводлар, канализация, электр, иссиқлик ва газ шохобчалари қурилиши юзасидан катта ишлар қилиниши керак.

Ўтган йилда бўлганидек, бу йил ҳам республика пойтахтини тиклаш, реконструкция қилиш ва ободонлаштириш юзасидан катта ишлар қилинади. Тошкентда 1 миллион 400 минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилади. Шу жумладан. Москва, Ленинград ва қардош совет республикалари қурувчилари 639 минг квадрат метр уй-жой, шунингдек, 15 мактаб, 35 болалар муассасаси, 2 поликлиника, бир неча савдо марказлари ва бошқа объектлар қуриб берадилар. Тошкент қурилиши — умумхалқ ишидир.

Саноат қурилиш материаллари корхоналари ишини тубдан яхшилаш, ҳар бир объектнинг ишга туширилишини тезлаштиришга эришиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўлароқ фойдаланиш зарур.

Бизнинг шонли қурувчиларимиз юбилей йилида энг йирик саноат ва маданий-маиший хизмат кўрсаталиган объектларни муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатидаги кислород ёрдамида маъдан эритиш, мис катанка ва олтингугурт кислотаси комплекси. Фарғона азот ўғитлари заводи ва Навоий химия комбинатининг иккинчи навбатлари. Оҳангарон цемент комбинатидаги 4- технологик линия. Наманганлаги ипак ва костюмбон газламалар комбинатининг ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа кўпгина объектлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон пойтахтида юбилейга қадар Ленин номли майдондаги маъмурий бино, республика комсомоли Марказий Комитети биноси, Ҳамза номидаги драма театри, Фанлар академиясининг учта янги институти биноси, онкология диспансери фойдаланишга топширилади. Ленин номидаги майдонни реконструкция қилиш ишлари тугалланади.

Область шаҳар партия комитетлари, қурилиш ва монтаж ташкилотларининг партия комитетлари юбилей объектларини муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан олинган юксак мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга биринчи даражали аҳамият бермоқдалар зарур.

Олдимизда турган ана шу вазифаларни муваффақиятли бажариш аввало омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг аҳволи ва даражасига боғлиқдир. Шунинг учун область, шаҳар, район партия комитетлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари саноат корхоналари, транспорт, қурилишларда Октябрь революциясининг 50 йиллиги шарафига партия XXIII съезди томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани топшириқларини муддатидан илгари бажариш учуч социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари керак.

Партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси — меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасига раҳбарликни яхшилашдан коммунистик меҳнат ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантиришдан, бунда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга асосий эътибор беришдан, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини қамайтиришдан, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан, меҳнат унумдорлигини ошириш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш юзасидан белгилаган тадбирларида шавкатли меҳнат оиимоли сифатида Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпрофнинг байроқларини таъсис этди. Бу байроқлар ўз мажбуриятларини бажаришда энг юксак натижаларга эришган саноат корхоналарига, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхоз коллективларига топширилади.

Марказий Комитет область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, министрликлар ва идоралар, меҳнаткашларнинг барча коллективларига Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилишни тавсия қилади. Ҳар бир область, ҳар бир район, ҳар бир шаҳар, ҳар бир корхона, совхоз ва колхоз шу улуғ байрамга тайёргарлик кўришнинг ўз конкрет планига эга бўлиши керак.

II.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Барча совет халқлари билан биргаликда республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини юксак ва муттасил юксалишини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш учун курашни янада кенг қизитиш ҳақидаги чақириғига қўшилдилар.

Юбилей йилида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги конкрет вазифаларни белгилаб олишдан аввал, биз босиб ўтилган йўлга бир назар ташлашимиз, унинг айрим натижаларини якунлашимиз, социалистик экономиканинг шу муҳим тармоғидаги ишнинг аҳволини таҳлил қилишимиз лозим.

Бутун мамлакатдаги каби, Ўзбекистонда қишлоқни кооперативлаштириш ленинча планини амалга ошириш натижасида йирик кўп тармоқли, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши вужудга келтирилди, қишлоқ ҳаётида муҳим ижтимоий бурилиш юз берди.

КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) ва май (1966 йил) Пленумларининг қарорлари партиянинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун олиб бораётган курашида муҳим босқич бўлди. Ана шу доно қарорларни амалга ошириш туфайли резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ошириш мумкин бўлди. Улар олижаноб мақсад — қишлоқ хўжалигини юксалтириш, севикли Ватанимизнинг бойликларини кўпайтириш йўлида куч-ғайратларини аямайдилар.

Ўтган йилнинг якунлари бунинг ишончли далилидир. 1966 йили қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти, дастлабки маълумотларга қараганда, 1965 йилдагига нисбатан тахминан 7 процент, меҳнат унумдорлиги эса 5 процент ошди. Бу — яхши кўрсаткичлар.

Республика пахтакорлари айниқса яхши муваффақиятларга эришдилар. Шонли пахтакорларимиз мураккаб об-ҳаво шароитида, табиий офатлар туфайли юз берган қийинчиликларни бартараф этишда чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб, давлатга 4 миллион 82 минг тонна — планда назарда тутилганига нисбатан 382 минг тонна кўп пахта бердилар. Пахтачилик тарихида биринчи марта республикада ҳар гектар ердан ўртача 25,1 центнердан ҳосил олинди.

Шу нарса қувончлики, барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР, республиканинг деярли барча районлари пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажардилар.

Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон Автоном Республикаси пахта етиштириш соҳасида ҳозирнинг ўзидаёқ беш йилликнинг охирига белгиланган даражадан ўзиб кетдилар. Хоразм областининг пахтакорлари энг юқори ҳосил — гектаридан 34,8 центнердан, Сурхондарё областининг пахтакорлари 28 2 центнердан ва Андижон областининг пахтакорлари 28 центнердан пахта олдилар. 19 район ва 298 хўжалик ҳар гектар ердан 30 центнердан ортиқ, 80 га яқин колхоз 40 центнер ва ундан кўп ҳосил олдилар.

Янгиариқ, Денов, Урганч, Сариосиё, Шовот районлари, Янгиариқ районидаги Киров номли, Хива районидаги Охунбобоев номли, Денов районидаги «8 Март», Урганч районидаги К. Маркс номли колхозлар. «Хазорбоғ», «ВЛКСМ 30 йиллиги» «Савай», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозлари ва бошқа хўжаликлар «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштирдилар.

Комплекс механизацияни кенг жорий этиш, айниқса ҳосил йиғим-теримини кенг машиналаштириш ана шу ғалабага эришишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Пахта йиғим-теримида 24 мингдан ортиқ пахта териш машинаси ишлади, улар билан 1 миллион 329 минг тонна пахта ёки барча ҳосилнинг учдан бир қисми териб олинди.

Бу, йиғим-терим мавсумини ўт. мишлари 90—100 кундан 45 кунгача келтириш имконини берди. Сирдарё областининг, колхоз ва совхозлари машиналар билан ҳосилнинг 56 процентдан кўпроғини, Тошкент областининг колхоз ва совхозлари 51 процентини териб олдилар. Республика совхозлари ҳосилнинг қарийб ярмини машиналарда теряб олдилар.

Беш йилликнинг биринчи йилида пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам муваффақиятли ривожланди. Республика чорвадорлари давлатга сут, тухум, жун сотиш планларини ошириб бажардилар. Дон тайёрлаш топшириғи 33 минг тонна, сабзавот — 30 минг тонна, узум — 46 минг тонна, полиз экинлари маҳсулоти 23 минг тонна ошириб бажарилди. Пиллачилар ҳам яхши меҳнат қилишди, улар белгиланганидан қарийб 1700 тонна кўп пилла беришди. Тамакикорлар планни 24,4 процент ошириб бажаришди.

Бу муваффақиятларнинг ҳаммасига КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати катта ёрдам берганликлари, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиқ ва сув хўжалиги мутахассислари фидокорона меҳнат қилганликлари, партия ташкилотлари ташкилотчилик ишларини моҳирлик билан олиб борганликлари, деҳқончилик маданияти оширилганлиги туфайли эришилди.

Шу билан бирга биз қишлоқ хўжалигини юксалтириш вазифаларини ҳал қилишда республикамизда ҳали кўпгина камчиликлар ва фойдаланилмаган резервлар борлигини айтишимиз керак.

Бизнинг асосий вазифамиз худди илгаригидек пахта етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдан иборат. Планда бу йил 3 миллион 800 минг тонна «оқ олтин» етиштириш назарда тутилган. Маълумки, ўтган йили бу маррадан ўзиб кетилди. Юбилей йилида ўтган йилги даражадан ҳам ўзиб кетиш шарафли бурчимиздир. Бу бизнинг Октябрь 50 йиллигига энг яхши совғамиз бўлади. Мавжуд резервларни чуқур ўйлаб таҳлил қилганимизда шу шарафли вазифани бажариш учун барча имкониятимиз борлиги равшан бўлиб қолади.

Бултур 118 колхоз ва 81 совхоз 370 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан кам пахта олдилар. Ана шу хўжаликларда ҳосилдорликни ҳеч бўлмаса 3 центнердан ошириб қўшимча равишда 100 минг тоннадан кўпроқ пахта оламиз. Ҳолбуки бизда гектаридан 16 центнердан ҳам кам ҳосил олаётган хўжаликлар анчагина бор. Сирдарё областида 18 та, Самарқанд областида 10 та, Бухоро областида 8 та ва Қашқадарё областида 11 та ана шундай хўжалик бор.

Биз пахтанинг ҳосилдорлигини янада ошириш учун қатъият билан кураш олиб боришимиз — минерал ўғитлардан, заҳарли моддалар ва дефолиантлардан, қишлоқ хўжалик техникасидан тўла ва самаралироқ фойдаланишимиз, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тўхтовсиз яхшилаб боришимиз, алмашлаб экишни жорий этишимиз, хуллас деҳқончилик маданиятини тобора ошириб боришимиз лозим.

Юбилей йилида сабзавот етиштиришда катта ўзгариш ясашимиз лозим. Ўтган йили сабзавот тайёрлаш планини 108 процент бажариб, пландан ташқари 30 минг тонна маҳсулот бердик. Бирок, сабзавот етиштиришнинг асосий турлари бўйича план бажарилмай қолди. Бир қатор областлар ва районларда сабзавот тайёрлаш пиез ҳосибига ошириб бажарилгани ҳолда карам, помидор, бодринг, сабзи ҳам етиштирилди. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Асосий сабзавот етиштирувчи районлардан бири бўлган Оржоникидзе райони бултур давлатга сабзавот сотиш планини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берган эди. Ялпи маҳсулот сотиш плани бажарилгани билан тайёрланган 49 минг тонна сабзавотнинг 20 минг тоннасини пиёз ташқил этди. Бу рақам планда белгиланганидан 2,5 баравар кўпдир. Айни пайтда помидор, бодринг, лавлаги, сабзи тайёрлаш топшириғи атиги 70-80 процент бажарилди, холос.

Масъулиятсиз раҳбарларгина шундай йўл тутиши мумкин.

Аҳолини сабзавот маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлаш манфаатларини кўзлаб Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети махсус қарор қабул қилиб, унда сабзавот етиштириш миқдорини бир ярим баравар кўпайтиришни кўзда тутдилар. Мана шу қарорга кўра республикамиз колхоз ва совхозлари юбилей йилида 662 минг тонна сабзавот, шу жумладан бултурги 10 минг тонна ўрнига 53 минг тонна бодринг, 1966 йилдагидан 138 минг тонна кўп, яъни 265 минг тонна помидор, бултургидан 47 минг тонна кўп карам, 52 минг тонна кўп сабзи етиштириш тадбирларини белгиладилар. Бултургидан уч баравар кўп, яъни 210 минг тонна картошка, 145 минг тонна кўп, яъни 375 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, бултургидан уч баравар кўп—150 минг тонна мева, 25 минг тонна кўп, яъни 205 минг тонна узум етиштирилади.

Қишлоқ хўжалик органлари, область ва район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари сабзавотчилик ва боғдорчиликни чинакамига назорат қилишлари, шу соҳадаги қолоқликка барҳам беришлари лозим. Аҳолини янги узилган сабзавот, картошка билан йил давомида узлуксиз таъминлаб туриш, кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш—энг муҳим вазифамиздир.

Кейинги йилларда республикада шоли етиштириш анча кўпайди. Шоли 1958 йилдагига нисбатан икки баравар ошди. Бирок бултур умуман дон тайёрлаш плани бирмунча ошириб бажарилгани ҳолда, биз давлатга 6 минг тоннадан кўпроқ шолини кам етказиб бердик. Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари планни атиги 80 процент, Андижон областининг хўжаликлари — 83 процент, Фарғона областининг хўжаликлари — 47,6 процент сажардилар.

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида ерларни ўзлаштириш ва шоликор совхозлар қурилиши суръати сустлиги шоли тайёрлаш планининг бажаримай қолишига асосий сабаб бўлди. Кўпчилик ихтисослаштирилмаган ва ҳатто бир қатор ихтисослаштирилган хўжаликларда ҳам шоли экувчи доимий бригадалар ташкил этилмаётир. Кўп ҳолларда кўчиб юрувчи кишилар ишбай асосида мавсумий тарзда шоли етиштирмоқдалар. Ҳосилни ҳисобга олиш яхши ташкил этилмаган, унинг бир қисми ўғирланмоқда. Бу ҳолга кескин ва узил-кесил барҳам бериш зарур.

Биз бу йил 150 минг тонна шоли етиштиришимиз ва давлатга камида 83 — 85 минг тонна шоли топиришимиз керак. Бу вазифани ҳал қилиш учун партия ташкилотлари шоличиликда давлат тартибини ўрнатишлари керак.

Кейинги йилларда биз каноп етиштириш планларини ҳам бажармаяпмиз. Ўрта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларининг раҳбарлари колоқликни тугатиш юзасидан муҳим тадбирлар ишлаб чиқишлари ва уни амалга оширишлари ҳамда юбилей йилида давлатга камида 266 минг тонна каноп пояси топширилишини таъминлашлари зарур.

Чорвачиликда ҳам жиддий камчиликлар бор. кўпгина фойдаланилмаган резервлар мавжуд. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми чорвачиликни ривожлантириш масалаларини синчиклаб қараб чиқди, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан тадбирлар белгилади. Эндиги вазифа қабул қилинган қарорларнинг оғишмай бажарилишини таъминлашдан иборат.

Чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтиришга айниқса катта эътибор бериш керак. Бизда қора моллар сони 1 миллион 220 минг бошгача,

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА, ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА!

(Боши иккинчи бетда).

Юбилей йилида машиналар билан камида бир ярим миллион тонна пахтани териб олиш, ерга тўкилган пахтани териб олишни кенг механизацияластириш, ғўзани парвариш қилиш, чеканкалашда, сабзавотчилик, шоли етиштириш ва чорвачиликда механизацияни дадил жорий этиш керак. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Узсельхозтехника» янги техникани ўзлаштиришда, уни ремонт қилиш ва фойдаланишда хўжаликларга кўпроқ ёрдам беришлари зарур.

Ирригация ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини муттасил яхшиламасдан туриб деҳқончилик маданиятини ошириш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмайди.

Республика сув хўжалиги ташкилотлари 1966 йили пудратга олинган қурилиш ишлари ва янги ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш вазифасини бажардилар, бироқ капитал маблағлардан фойдаланиш плани бажарилмай қолди. Шу сабабли юбилей йилида уларнинг зиммасига катта масъулият юкланади.

Биз 1967 йилда Мирзачўлни ҳам қўшган ҳолда суғориладиган 45 минг гектар янги ер тайёрлашимиз, 60 минг гектар майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашимиз, 220 та вертикал зовур қудуғини қуришимиз, суғориладиган майдонларда 60 минг гектар ерни капитал текислашимиз, 650 минг гектар яйловга сув чиқаришимиз керак. Бу йил Жанубий Сурхон, Пачкамар сув омборларини, Каркидон сув омборининг иккинчи навбатини ишга туширишимиз, Косонсой сув омборининг сиғимини ошириш ишларини тугаллашимиз, Занг канали ва Зарафшон дарёсида гидроузеллар қуришимиз даркор.

Сув хўжалиги қурилиши ташкилотларининг коллективлари ана шу ва бошқа бир қатор объектларни 7 ноябргача ишга туширишга мажбуриятини олишди. Бу — юбилейга ажойиб совға бўлади.

Шу йилнинг охиригача Каттақўрғон сув омборининг сиғимини ошириш ишлари, Ғарбий Ромитан, Денгизкўл, Девонкўл, Янгибозор, Қўғирот ва бошқа бир қатор йирик коллекторларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш тугалланиши лозим. Андижон ва Чўрвой сув омборлари, Марказий Фарғона канали, Тахиатош гидроузели, Тўлмўйин канали ва бошқа гидромелиорация иншоотлари қурилиши давом эттирилади.

Бизнинг куч-ғайратимиз суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан тўла ва самарали фойдаланишга қаратилмоғи даркор. Партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотлари республика колхоз ва совхозларига ерлардан яхшироқ фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Февраль ойи ва март ойининг бошида суғориш ҳамда коллекторзовур тармоқларини экиларни суғоришга тўла тахт қилиб қўйиш, яхоб бериш ва ерларнинг шўрини ювишни қизитиб юбориш зарур. Худди ўтган йиллардагидек ерости сувларидан фойдаланиш ҳисобига қўшимча сув манбаларини қидириб топиш, суғориш системаларини техника жиҳатидан реконструкциялаш ва каналларда сувнинг сарф бўлмаслик чораларини кўриш керак. Камида 200 километр узунликдаги каналларни бетонлаштириш, бу ишга зарур миқдордаги механизмлар ва ишчи кучини жалб этиш лозим.

Маълумки, пахта-беда алмашлаб экиш пахтачиликда деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Менимча бу ҳаммага аён нарса. Бироқ кўпчилик хўжаликлар ва районларнинг раҳбарлари алмашлаб экишни жорий қилиш юзасидан чоралар кўрмаётирлар. Мисол учун, Олтиариқ районини олайлик. 1959 йили бу ерда умумий экин майдонининг 15 процентида беда етиштирилган бўлса, 1964 йилда 2.7 процент майдонда, ҳозир эса атиги 5.6 процент ерда беда етиштириляпти. Поп районидаги «Москва» колхозида 1959 йили бедапоялар экин майдонининг 21 процентини ташкил этган бўлса, 1965 йили атиги 7 процентига тенг бўлди. Бошқа областлардаги кўпчилик хўжаликларда ҳам худди шу каби аҳволни кўрамиз.

Бизда беда экиш плани йил сайин барбод бериляпти, уруғ кам етиштириляпти.

Бу соҳада туб ўзгариш ясаш учун областлар, районлар ва хўжаликларнинг партия ташкилотлари бедачиликни ривожлантиришга муттасил эътибор беришлари, хўжалик ходимларининг ишини қаттиқ назорат қилишлари, мутахассисларнинг ролини оширишлари даркор.

Бу йил баҳорда 120 минг гектар майдонга беда экишимиз ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда камида 80 центнердан пичан олишимиз керак.

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсивлаш вазифаларини тезроқ ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалик кадрларининг ўқишини яхши йўлга қўймоқ, бунинг учун кадрларни тайёрлаш, оддий ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини оширишнинг турли формаларидан кенг фойдаланиш даркор.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпгина вазифалар турибди. Бу вазифалар аниқ ва тўла ҳал қилиниши мумкин. Бунинг учун уюшқоқ бўлишимиз, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишимиз, ишлаб чиқаришга фан эришган муваффақиятларни, техника ва илғор тажрибани кўпроқ жорий этишимиз, қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида доимий ғамхўрлик қилишимиз зарур.

III.

КИШИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛСИН

Ўртоқлар! Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет халқи турмушининг моддий фаровонлиги ва маданий даражасини оширишнинг туб масалаларини собит қадамлик билан узлуксиз ҳал қилмоқдалар.

Беш йиллик мобайнида аҳолининг реал даромадлари тахминан 30 процент, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи камида 20 процент, колхозчиларнинг даромадлари эса 35-40 процент ортади. Халқ истеъмол моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кескин кўпаяди.

Буларнинг ҳаммаси аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари сотишни кўпайтириш ва маиший хизмат кўрсатишни анча кенгайтириш имконини беради.

Беш йилликнинг биринчи йилида савдо тармоғимиз яхши ривожланди, чакана товаробороти плани ошириб бажарилди, аҳолига белгиланганидан 50 миллион сўмлик кўп товарлар сотилди. Умумий овқатланишни ташкил қилиш сезиларли даражада яхшиланди. Аҳолига 64 миллион сўмликдан кўпроқ коммунал-маиший хизмат кўрсатилди.

Совет савдоси ва маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш халқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Партия, совет, касаба союз, хўжалик ва комсомол ташкилотлари бу вазифанинг бажарилишига доимий эътибор беришлари лозим.

Беш йиллик мобайнида республикада давлат ва кооператив савдосининг чакана товаробороти ҳажми тахминан бир ярим баравар, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми тўрт баравар ошади. Давлат савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришга жуда кўп маблағ сарфламоқда.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ходимларининг энг муҳим вазифаси — аҳолиннинг эҳтиёжларини тўлароқ ва яхшироқ қондиришдан иборат. Хизмат кўрсатишнинг прогрессив йўлларини бундан буён ҳам ривожлантириш, товарларнинг ва таомларнинг хилларини очиқ кўрсатиб қўйиш, сотиб олинган товарлар ва таомларни уйларга элтиб бериш, янги узилган сабзавотлар ва мевалар билан кечакундуз савдо қилишни йўлга қўйиш керак.

Республикадаги барча шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларда байрам олди кунларида ва байрам кунларида саноат ҳамда озиқ-овқат товарларини сотиш мақсадида савдо ярмаркалари ва виставкалар ташкил қилиш зарур.

Юбилей йилида Тошкентда «Восток» ресторани, Фарғонада универмаг, Андижон, Самарқанд, Нукусда ёшлар кафелари каби йирик корхоналар, Фарғона, Қашқадарё, Андижон ва Хоразм областларида икки қаватли универмаглар, маиший хизмат кўрсатиладиган 110 та объект қурилиши тугалланади ва фойдаланишга топширилади. Картошка, сабзавот ва мева сақланадиган кўпгина янги омборлар ишга туширилади.

Савдо, умумий овқатланиш, коммунал маиший хизмат кўрсатиш ходимлари Совет давлати барпо этилганлигининг шонли йиллиги шарафига социалистик мусобақага актив қўшилишлари ва шаҳар ҳамда қишлоқларнинг меҳнаткашларига хизмат кўрсатишда янги муваффақиятларга эришишлари лозим.

Ўтган йили аҳолига медицина хизмати кўрсатиш янада яхшиланди, касалхоналар, амбулаторияларга ва дорихоналар тармоғи анча кенгайтирилди. Тошкент шаҳрининг медицина ходимлари зилзила вақтида ва унинг оқибатларини тугатишда совет кишиларининг саломатлигини сақлашдек олижаноб ишда фидокорлик ва жасорат кўрсатдилар. Қисқа вақт ичида янгидан ажратилган биноларда 8 мингталан кўпроқ ўринли даволаш муассасалари иши кенг йўлга қўйилди, тошкентликларни эҳтимол тутилган юқумли касалликлар пайдо бўлишидан сақлаш учун профилактика чоралари кўрилди.

Бироқ аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Ҳали баъзи партия, совет, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари бу муҳим ишга тўғри муносабатда бўлмаяптилар. 1966 йилда касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига капитал маблағ сарфлаш плани атиги 67 процент, касалхоналардаги жойларни кенгайтириш плани эса бор-йўғи 23 процент бажарилди.

Кўпгина медицина муассасаларида даволаш-профилактика ишлари зарур даражада олиб борилмаётир, беморларни овқатлантиришни ташкил этишда камчиликлар мавжуд.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги даволаш-профилактика ва юқумли касалликларга қарши кураш ишларининг сифатини кескин яхшилаши, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш маданиятини юксалтириши, барча қишлоқ, район ва участка касалхоналарини врач кадрлар билан тўла таъминлаши, аҳолининг санитария билимини ошириш соҳасидаги ишларни анча жонлантириши зарур.

Партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ўтган йилларнинг тажрибасига асосланиб, медицина муассасалари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш учун қўшимча имкониятларни қидириб топишлари лозим. Юбилей йилида соғлиқни сақлаш объектлари бўйича капитал маблағлар сарфлаш планини бажаришимиз ва ошириб бажаришимиз, бунда ана шу мақсадларга ажратилган капитал маблағлар ўтган йили фойдаланилган ҳақиқий капитал маблағларга нисбатан қарийб уч баравар кўплигини назарда тутишимиз керак.

Коммунал хизматкорларининг ходимлари юбилей йилида кўпгина ишлар қилишлари керак. 1967 йилда 53 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Узунлиги 503 километрли, шу жумладан қишлоқ жойларда 250 километрли газ шохобчалари қурилади. Республика меҳнаткашларидан 131 минг кишининг квартираси газлаштирилади. Водопровод, ичитиш шохобчалари, канализация, ҳаммом ва кирхоналарни кўпроқ қуриш мўлжалланмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатишнинг ҳажми анча ортади.

IV.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг қарорида кўрсатилганидек, меҳнаткашлар ўртасида сиёсий иш олиб борганда мамлакатимизда юз берган революцион ўзгаришларда, бошқа мамлакатларда социалистик революцияларнинг ғалаба қилишида Октябрнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини, унинг жаҳон тараққиётига таъсирини, социализмнинг капитализмга нисбатан тубдан устунлигини атрофлича кўрсатиб бериш керак, КПССнинг илмий коммунизм ғояларининг ғалабаси учун, антимарксистик оқимлар ва оғишларга қарши, партиянинг ленинча сиёсати тантанаси учун олиб борган тарихий курашини атрофлича кўрсатиш зарур.

Ҳозир республика партия ташкилотида КПСС Марказий Комитети декабрь (1966 йил) Пленуми материалларини муҳокама қилиш давом этмоқда. Партия активлари ва коммунистларнинг йиғилишларида докладлар қилаётган кишилар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари ҳамда бюро аъзолари, партия комитетларининг аъзолари бор.

Республика коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумининг «СССРнинг ҳалқаро сиёсати ва КПССнинг коммунистик ҳаракатни жипслаштириш учун кураши ҳақидаги»ги қарорини чуқур қониқиш билан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсатини бутунлай ва тўла маъқулламоқдалар ҳамда қўллаб-қувватламоқдалар, америка империалистларининг Вьетнамдаги жинояткорона агрессиясини қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар.

Актив йиғилишлари ва партия йиғилишларининг қатнашчилари Пленумнинг Хитой раҳбарларининг антиленинча қарашлари ва ўзлуғ давлатчиликдан иборат миллатчилик йўлини, улар Совет Иттифоқи шаънига ғўқиётган ёлғон-яшик гаплар ва қилаётган туҳматни фош этиш, марксизм-ленинизмни ҳимоя қилиш учун кураш кучайтириш ҳақидаги қарорини мутлақо тўғри деб ҳисоблаётган.

Биз КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми материалларини муҳокама қилишни давом эттиришимиз керак. Партия ташкилотларининг вазифаси — коммунистларга КПССнинг ҳалқаро майдондаги етакчи ленинча йўлини тушунтиришдан иборат. Бу йўл мамлакатимизнинг обрўси ва таъсирини кучайтиришга, тинчлик ишини ва халқлар ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Бизнинг ғоявий-сиёсий ишимиз халқнинг революцион ва меҳнат анъаналарини янада ривожлантиришга ёрдам бериши, меҳнаткашларда юксак ахлоқий фазилатларни, коммунистик идеалларга садоқат, гражданлик ҳис-туйғуларини, буржуазия идеологиясига нисбатан муросасизлик туйғуларини кучайтириш, уларни Ватанимиз манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўядиган, социализм ғалабаларини қўлда қурол билан ҳимоя қилишга тайёр турадиган қилиб тарбиялаши керак.

Ўзбекистон партия ташкилотининг идеология иши воситалари хазинасида синалган форма ва методлар мавжуд. Биз шу форма ҳамда методлардан ҳар тарафлама моҳирлик билан фойдаланишимиз керак.

Бизда кўплаб пропагандист, лектор, агитатор кадрлар ўсиб етишди. Бугунги кунда уларнинг зиммасига катта вазифалар юкланмоқда. Кекса большевикларни, Октябрь революциясининг иштирокчиларини, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашни ўчун актив курашган кишиларни, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши ветеранларини, меҳнат қаҳрамонларини, фан, техника, адабиёт ва санъат арболларини аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб боришга актив жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Совет давлатининг юбилейига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги даврда меҳнаткашлар ўртасида олиб борилаётган сиёсий ишда шахсан иштирок этиш. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги тўғрисида лекциялар ўқиш ва докладлар қилиш — Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетлари аъзоларининг, Олий ва маҳаллий Советлар депутатларининг, министрликлар ва бошқармалар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, корхоналар, колхозлар ва совхозлар раҳбарларининг — барча активларимизнинг шарафли ишидир.

Ёшларимизнинг кекса революцион гвардия билан, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувларини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнинг матбуотимиз, радио ва телевидениеміз юбилейга тайёргарлик кўришда жуда катта роль ўйнайди. Улар Ленин партиясининг шонли революцион фаолиятини, совет халқи эришган тарихий муваффақиятларни акс эттириши, меҳнаткашларни янги шонли зафарларга руҳлантириши керак.

Газеталар ҳамда радио редакциялари, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти биз эришган муваффақиятларни Совет Ватани ташқарисида пропаганда қилишни яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан тадбирлар белгилашлари ҳамда уни амалга оширишлари зарур.

Меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш вазифаси идеология ишининг диққат марказида турмоғи даркор. СССР халқларининг дўстлиги — Октябрь революцияси туфайли қўлга киритилган энг буюк ғалабадир. Бу — бизнинг кучимиз, шуҳратимиз ва фахримиз, биз эришаётган муваффақиятларнинг, илҳомбахш меҳнатимизнинг манбаидир.

Октябрь 50 йиллиги байрамига тайёргарлик кўрилаётган ва байрам ўтказилаётган кунларда биз революция иши учун, Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун курашда қурбон бўлган кишиларнинг хотирасини эсга олишимиз, гражданлар ва Улуғ Ватан урушининг, социалистик қурилишнинг актив қатнашчиларини шарафлашимиз лозим.

Кенг жамоатчиликнинг иштирокида мавжуд ёдгорликларни, обиданларни, биродарлик қабристонларини ва революционерлар дафн этилган жойларни тартибга келтириш керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш муносабати билан фан, маданият, адабиёт ва санъат арболлари олдида катта вазифалар турибди.

Совет ҳокимияти йилларида партиянинг ленинча доно миллий сиёсатини амалга ошириш туфайли КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами билан Ўзбекистонда фан ва маданият мисли кўрилмаган даражада гуллаб-яшнади. Ҳозирги вақтда республикада 145 илмий тадқиқот муассасалари, 35 олий ўқув юрти мавжуд. Республика олимлари илғор совет фанини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бизнинг олимларимиз эришган шубҳасиз муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, назарий тадқиқотларни ташкил этишда, айниқса уларнинг самарадорлигини оширишда ҳали жиддий камчиликлар борлигини рўй-рост айтмоқ зарур.

Кейинги беш йил мобайнида Академия институтлари ва республика олий ўқув юртлари бажарган барча илмий тадқиқот ишларининг атиги 14 процента халқ хўжалигига жорий этилганлигини нормал ҳол деб бўлмайди.

Биз олимларимизнинг фан ва техникани ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишларини, илмий тадқиқотларнинг натижасини турмушга ишлаб чиқаришга жорий этишларини талаб қилишга ҳақлимиз. Ижтимоий фанларнинг намояндалари шонли санани Ўзбек халқи экономикасини, маданиятини ривожлантиришда, республика жамоат ҳаётининг барча соҳаларида эришилган тарихий муваффақиятларни очиб берувчи йирик илмий тадқиқотлар билан кутиб олишлари зарур.

Олий ва махсус ўрта таълим ўқув юртларининг ишни янги босқичга кўтаришмоғи даркор. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг партия ташкилотлари, профессор-ўқитувчилари, барча ходимларининг бурчи — юбилейни бутун ўқув ҳамда тарбия ишининг даражасини мисли кўрилмаган даражада юксакликка кўтариб ҳолда кутиб олишдан иборатдир.

Партия ташкилотлари студент ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилишлари керак. Биз бу соҳада кўп иш қилинганлигини эътироф этиш билан бир қаторда, айрим студентлар ўртасида интизомнинг бўшлиги, ўзлаштириш даражасининг пастлиги, жамоатга қарши қилинаётган ҳатти-ҳаракатлар, сиёсий бебурдлик қилиш каби кўпгина камчиликлар ҳам борлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Йигит ва қизларга идеологик таъсир ўтказишнинг турли формаларидан моҳирлик билан фойдаланиб, ана шу формаларни ривожлантириб, олий ўқув юртларимиз ва техникумларимизда юксак малакали, ғоявий чиниққан, техника ҳаракатлари ва ишлаб чиқаришни илмий асосда бошқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал эта оладиган кадрлар тайёрлашимиз керак.

Октябрнинг 50 йиллик байрами муносабати билан Фанлар академияси ва унинг барча институтларида, барча олий ўқув юртларида ҳамда бошқа муассасаларда илмий-назарий конференциялар ўтказиш. Октябрь революциясига бағишланган брошюралар, оммавий лекциялар тайёрлаш лозим.

Халқ маорифи доимо энг муҳим умум партиявий ишимиз бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Кейинги йилларда республика мактабларида ўқув-тарбия ишларининг савияси сезиларли даражада ошди, ўқувчиларнинг билимлари мустаҳкамроқ бўлиб қолди, педагог кадрларни танлаш яхшиланди, мактабларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди, мактаблардан кетиб қолувчи ўқувчилар камайди.

Шу билан бирга кўпчилик мактабларда болаларни ўқитиш ва тарбиялашнинг даражаси ҳали ўсиб бораётган юксак талабларга тўла жавоб бермайди. Ўтган йили 65 минг ўқувчи синфда қолдирилди. Андижон, Самарқанд ва Тошкент областларининг ўрта мактабларини тамомлаб чиққан ўқувчиларнинг анча қисми бу йил жуда бўш билим олганликлари сабабли олий ўқув юртларига киролмадилар. Бу, баъзи ўқитувчилар малакасиз, уқувсиз, юзаки ва бепарво ишлаётганлигидан далолат беради.

Партия, совет ва комсомол ташкилотлари, Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги органлари юбилейга тайёргарлик кўра бориб, болаларни ўқитишни ва тарбиялашни тубдан яхшилашлари керак.

Ўртоқлар! Юбилей йилида ижодий союзлар олдида, бадиий зиёлиларимиз — ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, артистлар, кино арболлари, архитекторларимиз олдида жуда катта вазифалар турибди.

Яқинда Ўзбекистон ижодий союзларининг бирлашган пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг Октябрь революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳақидаги қарорида келиб чиқувчи актуал масалаларни атрофлича муҳокама қилди. Пленум республика адабиёти ва санъати намояндалари юксак сиёсий камолатга эришганликларини кўрсатди. Ижодий союзлар юбилей тадбирларини ишлаб чиқишга масъулият билан жиддий киришдилар.

Биз юбилей йилида Россия Федерацияси, Белоруссия, Туркманистонда, Венгрия Халқ Республикасида ўзбек адабиёти ва санъати декадаларини, «Гуллар водийси таронаси» фестивалини, бадиий ҳаваскорлик санъатининг республика фестивалини ўтказишимиз керак. Бу тадбирлар эришилган муваффақиятларга кўрик, бадиий зиёлиларимиз ижодий маҳоратига имтиҳон бўлади.

Ижодий союзлар, Маданият министрлиги, Кинематография, Матбуот, Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетлари, барча ижодий зиёлилар — декадалар ва фестивалларга намунали тайёргарлик кўришлари, уларни юксак ғоявий ва бадиий савияда ўтказишлари керак. Бу — зиёлиларнинг Октябрь байрамини муносиб

V.

ТАШКИЛОТЧИЛИК ИШЛАРИНИ ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Ўртоқлар!

Республика партия ташкилоти юбилей йилида ҳал қилиши лозим бўлган катта ва мураккаб хўжалик-сиёсий вазифалар бутун ташкилотчилик ишимизни янада кучайтириш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Юқорида айтилганидек, КПСС Марказий Комитетининг Октябрь 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳақидаги қарорида барча область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнаткашларнинг коллективлари юбилейга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилишлари, байрамни муносиб кутиб олиш юзасидан тадбирлар белгилашлари ва уни амалга оширишлари зарурлиги таъкидланган.

Тадбирлар конкрет бўлиши, унда барча мавжуд резервлар ва имкониятлар ҳисобга олиниши, уларнинг ҳар бир пункти сафарбар этувчи ҳамда реал бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиш керак.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш учун жавоб берувчи кишиларни белгилашлари, партия кучларини ўйлаб тақсимлашлари, бутун жамоатчиликни сафарбар этишлари, ишчилар, колхозчилар, халқ хўжалиги мутахассислари ва зиёлиларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини янада кучайтиришлари лозим. Энг муҳими — ташкилотчилик ишининг даражаси ва кўлами юбилей йилининг юксак талабларига тўла жавоб бериши зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумида бошланғич партия ташкилотларининг роли, обрўсини кучайтириш уларнинг жанговарлик кобилиятини оширишнинг ҳақидаги масалани муҳокама этдик ва яхши қарор қабул қилдик. Бу анча ижобий натижалар берди.

Шу билан бирга ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, Андижон ва Сурхондарё областларининг бир қатор районларида Марказий Комитет V пленуми материалларини муҳокама қилишга юзаки ёндошилди — бу масалага бағишланган партия йиғилишларида мавжуд камчиликлар очиб ташланмади, ана шу камчиликларни тугатиш, омма ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни тубдан яхшилаш юзасидан таъсирли чоралар белгиланмади. Бундай фактларга тоқат қилиб бўлмайди. Республика Компартияси Марказий Комитети пленумининг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини яхшилаш ҳақидаги қарори — бу бир кунлик кампания эмас, балки узоқ муддатга мўлжалланганлигини ва уни амалга ошириш устида область, шаҳар, район партия комитетлари планли равишда, кун сайин, маълум мақсадни кўзлаб ишлашлари зарурлигини тушунмоқ керак.

Юбилей йилида янги хўжалик ютуқларига эришиш учун қураш масалалари партия ташкилотларининг диққат марказида бўлиши керак. Москва ва Ленинграднинг энг йирик саноат корхоналари коллективларидан ибрат олиб, Ўзбекистонинг завод ва фабрикаларида, шахта ва қурилишларида ҳам Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олмоқда. Тежамкорлик ва иқтисод қилиш учун, маҳсулот сифатини ошириш барча техника-иқтисодий кўрсаткичларни ахшилаш учун ҳаракат тобора оммавий тус олмоқда ва активлашмоқда. Колхоз ва совхозларда ҳам мусобақа кенг қизимоқда.

Бу ватанпарварлик ҳаракатига моҳирлик билан бошчилик қилиш, уни ҳар томонлама кенгайтириш, ҳар бир фойдали ташаббусни дарҳол қўллаб-қувватлаш ва уни оммалаштириш — партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик раҳбарлари, бутун жамоатчиликнинг юксак бурчи, энг муҳим вазифасидир.

КПСС Марказий Комитетининг шавкатли меҳнат рамзи сифатида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги шарафига тасис этган КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПснинг Эсдалик байроқлари ҳамда умумиттифоқ мукофотлари социалистик мусобақани кизитиб юборишнинг қудратли омилидир

Ана шундай Эсдалик байроғини олишга сазовор бўлиш — катта шарафдир Шу шарафга муяссар бўлиш учун шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг барча коллективлари астойдил ғайрат қилмоқлари керак!

Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда касаба союзларимиз катта роль ўйнаши керак. Ўзбекистон касаба союзлари Совети Октябрнинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан яхши тадбирлар ишлаб чиқди ва улар амалга оширилмоқда.

Республика касаба союзларининг вазифаси социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат ҳаракати, меҳнатни ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва эстетикаси, ишчи ва хизматчиларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда ишчи ва хизматчиларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш, ўз фаолиятини активлаштиришдан иборат.

Республика комсомол ташкилоти ҳам юбилейга тайёргарлик кўриш юзасидан кенг миқёсда иш олиб бориши керак. Партия комитетлари комсомол ташкилотларининг фаолиятини ёшларни улуғ Октябрнинг революцион анъаналари руҳида, Ленин васиятларига содиқлик, Коммунистик партияга садоқат руҳида тарбиялашга, ўз меҳнати билан сезилли Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга интилиш руҳида тарбиялашга қаратмоқлари ва бу ишда уларга ёрдам беришлари лозим.

Октябрнинг 50 йиллиги — бу чинакам халқ ҳокимиятининг тантанаси, Совет демократиясининг тантанасидир. Юбилей йилида Советлар омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлашлари ва кенгайтиришлари керак. Ижроия комитетлар ва уларнинг аппаратларининг топширилган иш учун, хусусан аҳолининг эҳтиёжларини кондириш соҳасидаги вазифаларнинг бажарилиши учун масъулиятларини оширмоқ лозим.

Область, шаҳар, район қишлоқ ва поселка Советларининг ижроия комитетлари кўчаларни, майдонларни ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, коммунал-маиший хизмат ва савдо корхоналарининг, медицина ва маданий-оқартув муассасаларининг ишларини яхшилаш, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига боғлар, хиёбонлар барпо этиш юзасидан кенг тадбирлар белгилашлари керак.

Шу йилнинг 12 мартида бўладиган Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советига ҳамда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик мобайнида Советларнинг фаолиятини янада жонлантириш, ҳозирги чақириқ депутатларининг ҳар бири қилган ишлари, бажарилган наказлар ҳақида ўз сайловчилари олдида ҳисоб беришлари лозим.

Октябрь юбилейига тайёргарлик кўриш, КПСС Марказий Комитети Қарорида кўрсатилганидек, социалистик демократияни янада такомиллаштириш, коммунистик қурилишда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ролини янада ошириш белгиси остида ўтиши лозим.

Ўртоқлар!

Бизнинг олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажармоқ учун партия, давлат аппарати, жамоат ташкилотлари барча бўғинлари фаолиятида юксак уюшқоқлик бўлиши талаб қилинади. Биз меҳнат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишимиз зарур.

Туле области партия ташкилотларининг социалистик меҳнат интизомини тарбиялаш юзасидан олиб бораётган ишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг чиккан қарорида мутлақо тўғри кўрсатиб ўтилганидек, баъзи партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари меҳнат интизомини бузувчиларга, ишлаб чиқаришга путур етказаётганларга нисбатан муросасозлик билан қарамоқдалар, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказмаётирлар, қонунда кўзда тутилган маъмурий чораларни қўлланмаётирлар Бундай фактлар бизда ҳам сез эмас.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, партия ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий Советлар ва хўжалик раҳбарлари ишчи ва хизматчиларни меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, давлат ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, ишлаб чиқаришда тартиб ва уюшқоқлик ўрнатиш руҳида тарбиялашни кучайтирмоқлари зарур. Илғор ишчиларнинг ишлаб чиқаришда қаттиқ интизом ўрнатиш сохасидаги ташаббусини ҳам ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва ёйиш керак.

Партия ташкилотлари хотиржамлик кайфиятларига мутлақо йўл қўймасликлари, ўзини бошқалардан устун қўйиш, манманлик, даблабабозлик каби иллатларга бутунлай хотима беришлари зарур. Кадрларни кэмтаринлик, ўз меҳнатининг натижаларига танқидий кўз билан қараш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон партия ташкилоти омма орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб боришда катта ва бой тажриба тўплади. Улкан ва мураккаб хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишга қодир эканлигини амалда исбот қилди.

Ҳеч шубҳа йўқки, юбилей йилида ҳам Ўзбекистон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини зўр ғайрат ва ташаббус билан амалга оширишлар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли эллик йиллигини муносиб кутиб оладилар.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛАДИ

31 январда Тошкентда тантанали вазиятда республика халқ хўжалиги ва маданиятининг турли тармоқларида ишлаётган ишчилар ва мутахассислардан катта бир группасига ҳукумат мукофотлари топширилди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, план, молия ва статистика органлари, моддий-техника таъминоти, гидрометеорология хизматининг илғор ходимлари СССР орден ва медалларини олдилар. Тошкентдаги трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли вагон-ремонт заводининг мастери Носир Умрзоқова Ленин ордени ва «Ўроқ ва Болга» олтин медали топширилди. Носир Умрзоқов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин мукофотларни топшириб, илғор ходимларни самимий қутлаб, уларга меҳнатда бундан буён янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилади.

(ЎзТАГ).

ҲАЁТ НАҚҚОШИ

Ҳамма касб ҳам шарафли. Коммунизмнинг муаззам биносини барпо этиш йўлида тўкилган ҳар томчи тер мўътабар. Улкан қўйчи Ғафур Ғулом айтганидек:

Шухрат қолдирмоққа
Герастратдек
Диана маъбадин ёқмоқ
шарт эмас.
Кўпларнинг бахтига ўзликни
жамлаб
Шу улуғ бинога бир ғишт
қўйсак бас.

Ҳа, аслини олганда, ҳаммамиз — коммунизм қасри бунёдкоримиз. Бу ишга ҳар ким ўз меҳнати, зеҳни ва ақли маҳсули билан ҳисса қўшяпти. Коммунизм ижодкорлари сафида ҳаёт меъморлари — биноко рларнинг ҳам фахрли ўрни бор. Ана шу қутлуғ касб соҳибларидан бири ҳақида қуйида ҳикоя қилмоқчимиз.

...Кекса қурувчи Михаил Никитин вафот этди. Олдинда бўйи-басти тенг икки йигит тобутни елкасида даст кўтариб борарди. Бири марҳумнинг ўғли Володя, иккинчиси шогирди Салим эди. «Балли, шогирд шундай бўлсин!» дейишди ўшанда одамлар.

Салим ўзига биринчи устоз ва мураббий бўлган Михаил Никитинни чин қалбдан севарди, у билан ота-ўғил бўлиб қолганди. Чунки Салимга ҳунар ўргатган, уни ҳаётнинг кенг йўлига олиб чиққан киши шу «Миша тоға» эди.

Мана, ўн йил бўлди. Салим бинокорлар оиласида ўсиб-улғайди. Иккинчи разрядли суворчи эди, ҳозир юқори разрядли мастер, комплекс қурувчилар бригадасига бошчилик қилмоқда. Бу аҳил, илғор коллектив коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олишга сазовор бўлди. 1963 йилда Салимнинг улуғ орзуси ушалди. У Ленин партияси сафига қабул қилинди.

Коммунист Салим Ниёзматов бригадаси Урганчдаги 167-трестга қарашли 1-қ у р и л и ш бошқармасида ҳамиша пешқадам. Бригадада 18 қурувчи ишлаяпти. Уларнинг ҳаммаси сувоқчилик, дурадгорлик, ғишт териш ва плита териш санъатини эгаллаб олган.

Ўтган йилларнинг якуни бўйича бригада бошқармада биринчиликни эгаллади, кўчма вимпель билан тақдирланди. Йиллик план 138,2 процент бажарилди, бир йил ичида меҳнат унумдорлиги 14,2 процент ўсди. Маблағ ва материалларни иқтисод қилиш, қурилиш ишлари таннархини арзонлатишда яхши кўрсаткичларга эришилди. Урганчда шина—ремонт ва пилла уруғи заводлари, уй-жой корпуслари қурилишида бригада азаматлари фидокорона меҳнат қилдилар. Область болалар касалхонаси фойдаланишга эрта-индин топширилади.

Бригадир Салим Ниёзматов ишлаб чиқаришда шахсий ибрат кўрсатмоқда. Нормани муттасил ошириб бажаяётир, юқори сифат ва тежамлилик учун қурашаётир. Яқинда у самарали меҳнати учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Бу бутун коллективнинг меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди. Ғишт теруВчи Хайитбой Саидов, сувоқчи Марям Оллаберганов, дурадгор Қуронбой Хўжаниёзов ва бошқаларнинг номлари «ҳурмат тахта»да доимий ўрин олиб келмоқда

Бригада қурувчилари коммунистчасига меҳнат қилиш билан бирга, ўқишда ва турмушда ҳам намуна бўлмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги қурилиш техникумининг сиртки бўлимларида, кечки ишчи ёшлар мактабида ўқийди, партия маорифи системасида шуғулланади. Коллективда дам олиш, маросимларни янгича ўтказиш одат тусига кирган. Ишлаб чиқаришда ва ўқишда ўрнак бўлаётган бинокорлардан М. Оллаберганов, В Сохронов ўртоқлар яқинда КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

Салим Ниёзматов қўшни Д. Раҳимов бошлиқ бригадада ишлар юришмаётганлигини кўриб, ташвишга тушди. «Бир коллективда ишлаб, ҳамкасбларга ёрдам бермаслик бизнинг шаънимизга ярашмайди»,—деди у йигитларига. Малакали бинокорлардан Т. Отажонов, Қ. Мадраҳимов қолоқ бригадага ишга бордилар. Йигитлар уларнинг ўрнини билдирмай ишлаб, қўшни бригадани илғорлар сафига қўшишга амалий ёрдам бердилар.

Коммунистик бригаданинг бу йилги режалари катта. Ёғ-экстракция заводи, пиллакашлик фабрикаси, ремонт заводи каби зарбдор қурилишлар бинокорларни кутяпти. Йил яхши бошланди. Январь ойи плани муддатидан илгари бажарилди. Бинокорлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб тўёна билан кутиб олиш учун курашаётирлар.

Юртимиз кўркига-кўрк қўшаётган ҳаёт наққошлари — бинокорларга, шу жумладан коммунист Салим Ниёзматов бригадаси қурувчиларига буюк бунёдкорлик ишларида янги зафарлар тилаймиз.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТОРТИҚЛАР

Бинокорнинг қадами етган жойнинг чиройига-чирой қўшилади. Обод бўлади. Гавжумлашади. Қуйидаги рақамларнинг ўзи ҳам республикамиз қурувчилари беш йилликнинг биринчи йилида қай даражада меҳнат қилганликларини кўз-кўз қилиб турибди:

— Республикамизда 1966 йилда 2 миллион 700 минг квадрат метрга яқин уй-жой бинолари қуриб фойдаланишга топширилди.

— Декабрь ойидан бошлаб Оҳангарон керамика комбинати маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу корхонада йил сайин 14 минг тонна канализация қувурлари, 650 минг квадрат метр полга қопланадиган плиталар ва 1000 квадрат метр кўзни қамаштирадиган рангдор плиталар тайёрланади.

— Оҳангарон бинокорлик материаллари ва пластмасса буюмлари комбинатида линолиум, полиэтилен қувурлари, санитария-техника буюмлари ишлаб чиқарадиган янги қувватлар фойдаланишга топширилди. Ана шу комбинат маҳсулотларидан фойдаланиш республика Қурилиш министрлиги системасидагина 400 минг сўмга яқин бинокорлик материалларини тежаб қолиш имконини беради.

— Янгийўл гидролиз заводида ачитқи тайёрлаш цехи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида юқори сифатли бензин ва мойлаш материаллари ишлаб чиқариладиган цехлар қуриб тамомланди.

— Славянск, Жиззах ва Ленинск пахта тозалаш заводлари ишга туширилди.

— Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларида янги қувватлар фойдаланишга топширилди.

— Бухоро ва Андижон консерва заводларида йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, кўплаб янги хил маҳсулотларни тайёрлаш ўзлаштирилди.



ТОШКЕНТДА яна бир уй тикланди. Бу, Киев шаҳридан келган бинокорлар барпо қилган намбатдаги кўп қаватли уй. Суратда: киевлик бинокорлар Тошкент шаҳрининг Фарҳод кўчасида қурган янги кўп қаватли уй-жой биноси. И. Глауберзон фотоси.

«БАХТЛИ» БИЛЕТ ЭГАЛАРИ

СССР ДОСААФ автомототерелсининг яқинда ўтказилган ўйин тиражи бўйича Фарғона область Поп район меҳнаткашларига йирик қимматбаҳо буюм ютуқлари чиқмоқда.

«Москва» колхозининг омбор мудири Сотиболди Эшматовнинг 712081 номерли лотерея билетига «Волга» ва Жданов номли колхознинг ферма мудири Нурмамат Йўлдошевнинг 715811 номерли билетига «Москвич—408» енгил автомашиналари ҳамда «Москва» колхозининг хўжалик ишлар мудири Абдурасул Муродов, 16-мактаб ўқитувчиси Қамбарали Курбонов ва Поп район электр тармоқлари бўлимининг монтёри К. Мирзараҳимовларга мотоцикл ютуқлари чиқди.

Шунингдек Шаҳрисабз районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг ветеринария фельдшери Тўйчи Ашуров Ўзбекистон ССР 6-чиқариш бўйича ўтказилган лотерея ўйинлари тиражида 21518 номерли лотереясига «Москвич» автомашинаси ютди.

Ю. ҲОМИДОВ,
А. ЯХЕЕВ.

ОКТЯБРГА БАҒИШЛАНГАН ВИСТАВКА

Бухоро педагогика институтининг кутубхонасида «Жаҳонда Октябрь ёғдуси» деб аталган виставка очилди. Виставкада совет ёзувчилари Венгрия, Чехословакия, Болгария, Польша, Ҳиндистон, Куба, Вьетнам Демократик Республикаси, Англия ва бошқа мамлакатлар шоирлари ва прозаикларининг асарларини кўриш мумкин. Бу китоблар совет кишиларининг ижодий меҳнати, социализм идеялари тантана қилиши ҳақида ҳикоя қилади. (ЎзТАГ).

ЯНГИ АВТОМАТ ТЕЛЕФОН

ГУЛИСТОН. (ЎзТАГ). Гулистонда синовдан ўтган бу автомат телефон кўринши жиҳатидан оддий телефондан сира фарқ қилмайди. Лекин у шаҳарлараро гаплашиш учун мўлжалланган. Унинг ичига уча 15 тийинлик танга туширилса, Тошкентдаги ҳар қандай обонент билан телефон орқали тўрт минут гаплашиш имконини беради. Унинг ичига яна танга ташласангиз гапингизни давом эттиришингиз мумкин.

Маҳаллий рационализатор инженер Н. Г. Иншаков таклиф этган бу автомат шаҳарлараро телефон станциясининг одатдаги канали бўйича ишлайди ва қўшимча аппаратлар ўрнатишни талаб қилмайди.

1966 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРИ

Янги йилнинг ҳам бир ойи ўтиб кетишига қарамай, ўтган йилнинг энг яхши спортчилари аниқланмоқда. Яқинда халқаро спорт матбуоти ассоциацияси жаҳонинг энг яхши ўн спортчисини эълон қилди. Улар қуйидагилар: 1. Джим Райан (АҚШ, енгил атлетикачи), 2. Кассис Клей (АҚШ, профессиональ боксчи), 3. Томми Смит (АҚШ, енгил атлетикачи), 4. Эйсебио (Португалия, футболчи), 5. Бобби Чарльтон (Англия, футболчи), 6. Джек Брабхэм (Австралия, автоспортчи), 7. Ирина Киршенштейн (Польша, енгил атлетикачи), 8. Михаил Воронин (СССР, енгил атлетикачи), 9. Бобби Мур (Англия, футболчи), 10. Вера Чаславска (Чехословакия, енгил атлетикачи) ва Рональд Кларк (Австралия, енгил атлетикачи).

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт, 9.30 — Кичик концерт, 9.45 — Халқаро темаларда (тож.), 10.10 — «Шодиёна байрам», 10.30 — Қўшиқлар, 11.10 — «Юксак мукофот» (радио очерки), 11.20 — Балетлардан рақс куйлар, 12.15 — Концерт, 12.50 — Камчатка радиоси эшиттириши, 13.30 — Оперетталардан куйлар, 16.10 — Композитор И. Анбаров ижоди, 18.10 — Алишер Навоийнинг «Туҳфатул афкор» қасидаси ҳақида (суҳбат), 18.30 — Драмалардан парчалар, 19.20 — Татар халқ куйлари, 20.00 — «Октябрь» радиостанцияси (рус.), 20.30 — Концерт (Тошкент бинокорлари учун), 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Қардош социалистик мамлакатларда, 22.10 — Концерт, 22.40 — Алишер Навоий туғилган кунинг 525 йиллиги олдидан. «Алишер Навоий асарларининг янги таржималари» (рус.), 23.20 — Концерт (Чинни заводи ходимларининг талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.05 — **Чайка ва болалар** (болалар учун кинофильм), 18.30 — **Шундай ўлка, шундай кишилар бор** (ярим аср йилномаси), 19.00 — **Спортнинг уч белгиси** (ҳужжатли фильм), 19.10—**Спектакль премьерасига тайёргарлик кўрилмоқда** (Навоий номли театрдан репортаж).

20.00 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.05 — **Телевизион янгиликлар**, 20.20 — **М. В. Фрунзе** («Октябрь» программаси), 20.50 — Ўзбек совет поэзиясининг телевизион антологияси. Э. Воҳидов. **Менинг юлдузим**, 21.10 — **Мардлик Йўлдошева — меҳнат қаҳрамони** (телеочерк), 21.30 — **Сукунат** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.00 — **Қуён ва қудуқ** (болалар учун фильм), 18.10 — **Революция санъати** (ярим аср йилномаси), 18.30 — **Чизма геометрия** (сиртдан таълим олаётган студентлар учун ўқув программа), 19.50 — **Телевизион янгиликлар.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 2/II да **Чио-Чио-Сан**, 3/II да **Опера ва балет кечаси.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2, 3/II да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/II да **Ешлинда берган кўнгил**, 3/II да **Гули сиёҳ.**

КИНО

Дзюдо доҳийси (1 ва 2-серия)—САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда).

Хўжа Насриддиннинг 12 қабри — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (ўзбек тилида тоқ соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 9.45 минутда).

Дурангсиз ўйин — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 8 да).

Тентаклигим тарихи — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Бриллиантхўр — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 7 яримда).

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
5 февралда
4,6-синф ўқувчилари учун музикали лекторий абонементи бўйича
«Ўзбекистон композиторлари ва шоирлари — болаларга»
деган темада
(болалар учун асар яратган авторлар билан учрашув)

УЧИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

Лектор — Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос **Илёс Акбаров.**

Концерт-лекция кундуз соат 12 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида кундуз 12 дан сотилади.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР — Планетамиз ХАБАРЛАРИ

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

БРАЗЗАВИЛЬ, 31 январь. (ТАСС). Анголани озод қилиш халқ ҳаракати партиясининг бугун эълон қилган ахборотида айтиладики, ҳозирги вақтда Португалиянинг мустамлака авиацияси Анголанинг шимолидаги Дембош-Амбриз ва Намбуангонго партизан районларида экинларни нобуд қилиш учун заҳарловчи химиявий моддалар ташламоқда.

Ахборотда яна айтиладики, шарқий фронтда ҳаракат қилаётган Анголани озод этиш халқ ҳаракати отрядлари 28 декабрдан 3 январгача бўлган даврда 55 португалиялик солдатни қирганлар, Замбези дарёсининг Чилемба деган Португалия ҳарбий базаси районида учта катер ва иккита моторли баржани ўқтириб юборганлар, шунингдек Чипона қишлоғи устида иккита Португалия самолётини уриб туширганлар. Аҳоли Анголани озод қилиш халқ ҳаракати партияси ташлаган шиорларни қўллаб-қувватлаб, унга жавобан халқ милициясини ташкил қилмоқда. Милиция партизанлар билан биргаликда Анголанинг ичида ва Замбия билан чегара бўйлаб соқчилик операцияларини ўтказмоқда.

Кабиндеда 25 январда португалиялиқ патруль мина қўйилган майдонга тушиб қолган. Бу миналарни анголалик ватанпарварлар Вунги-Буко-Конго йўли бўйлаб жойлаштирган эдилар. Икки португалиялик солдат ўлган, бир нечтаси ярадор бўлган.

Ахборот охирида айтиладики, шимолий фронтдаги Гуинедро, Пири ва Намбуангонго районларида ҳам қуролли тўқнашувлар содир бўлган.

ВДРГА ЯНА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ. (ТАСС). 7-флот кемаларида, шунингдек Жанубий Вьетнамда ва Таиландда жойлашган Америка самолётлари 28 ва 29 январда Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегараларини бир неча марта бузиб Виньлинь районида, Куангбинь, Хатинь, Нгеан ва бошқа вилоятлардаги аҳоли зич жойлашган районларни ва саноат объектларини бомбардимон қилди ҳамда ўққа тутди. Америка самолётлари шу кунн демилитаризация қилинган зонанинг шимолий қисмидаги аҳоли яшайдиган пунктларни бомбардимон қилишди.

Америка авиациясининг ваҳшиёна ҳаракатларига мувофиқ, 7-флот кемаларн ҳам балиқ овлайдиган кемаларни ҳамда Хатинь ва Куангбинь вилоятларидаги аҳоли яшайдиган пунктларни ўққа тутди.

ПЕКИНДА СОВЕТЛАРГА ҚАРШИ БЕБОШЛИК

ПЕКИН, 30 январь. (ТАСС). СССР-нинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси олдида тунги бир оз тинчликдан кейин бугун Советларга қарши яна бебошлик қилина бошланди.

Автомашиналарга ўрнатилган радиокарнайлардан Советларга қарши нутқлар эшиттирилмоқда ва Советларга қарши даъватлар айтилмоқда. Эндликда автомашиналар элчихонага кира бериш даги марказий дарвоза ёнигагина эмас, балки элчихонанинг тўрт томонига келтириб қўйилди. Радиокарнайлар кундузи ҳам, кечаси ҳам тинмай гуриллаб наъра тортиб турибди, дейиш мумкин.

Совет кишилари шаънига қилинаётган таҳдидларчи элчихона дарвозаси олдидагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам эшитиш мумкин. Совет гражданлари шаҳарга чиққанларида уларга таҳдид қилинмоқда. Совет кишилари тўсган автомашиналар Хитой пойтахтининг кўчаларида тўхтаганида Советларга қарши мазмундаги шиорлар ёзилиб, машиналарга ёпиштириб қўйилмоқда. Бугун ТАСС мухбирлари тўсган машинага шундай шиорлар ёпиштирилди.

ЎТАКЕТГАН БЕҲАЁЛИК

ТОКИО, 30 январь. (ТАСС). Япония Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Япония Компартияси Марказий Комитетининг сайлов олди тадбирлари масалалари билан шуғулланувчи бўлим мудири Иоскадзу Ибараки Токио радиостанциясининг Япония коммунистлари томонидан ўтказилаётган сайлов кампаниясига аралашувига қарши кескин норозилик билдирди. (Ибараки Хитой номини тилга олмай, «ана шу социалистик мамлакатнинг радиоэшиттириши» тўғрисида гапиради).

Ибаракининг бугун «Акахата» газетасида босилган баёнотида, жумладан, бундай дейилади:

«Энг муҳими шуки, бу радио сайлов олди курашининг ҳал қилувчи палласида партиямизнинг сайлов олди курашида тартибсизлик тўғдириш, партиямизга зарба беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Бу — партиямизнинг ва япон халқининг сайлов олди курашига жиддий аралашиш бўлиб, сайловда Компартиянинг муваффақият қозонишидан кўпроқ қўрқаётган ва Компартияга ҳужум қилиш учун мумкин бўлган ҳамма воситалардан фойдаланаётган Япон—Америка реакцион кучлари ва либерал-демократик партияга бевосита ёрдам кўрсатишдан бошқа бир нарса эмас. Социалистик мамлакатнинг муайян кучлари Японияга бағишланган радиоэшиттиришдан фойдаланиб, сайлов олди курашига сурбетларча аралашар экан ва реакцион кучларининг коммунистларга қарши қилаётган ҳужумига ёрдам берар экан, бу нарса социализм руҳига ва пролетар интернационализмига тамомила зиддир. Биз ўтакетган беҳаёлик билан қилинаётган бундай хуружни қатъийян қоралаймиз».

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

БУДАПЕШТ, 31 январь. (ТАСС). МТИ агентлиги хабар беради: Венгрия Халқ Республикасининг Ташқи ишлар министрлиги Пекиндаги Хитой гражданларининг Венгрия Халқ Республикаси элчисига ва элчихона ходимларига нисбатан қилган безориликлари муносабати билан Хитой Халқ Республикасининг Венгриядаги элчихонасига қатъий норозилик билдирди.

27 январда намойишчилар Пекин кўчаларидан бирида Венгрия Халқ Республикаси элчихонасининг автомашинасини тўхтатдилар. Бу машинада элчи ва элчихона ходимлари бор эди. Улар машинани қуршаб, байроқчани олиб, флагштокни қайириб ташладилар, машина ойнасини синдирдилар.

Венгрия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг ваколи, Хитой Халқ Республикасининг элчиси Хань Кэхуани ўз ҳузурига чақириб, унга қилган ишларидаги айтди. Хитой Халқ Республикаси ўз территориясида Венгрия миллий байроғининг ҳурмат қилинишини таъминламай ва Венгрия дипломатларининг шахсиятини ҳимоя қилиш тўғрисида гамхўрлик қилмай, халқаро ҳуқуқ юзасидан олган асосий мажбуриятларини бузмоқда. Ташқи ишлар министрлиги ана шу можароонинг оқибатлари учун бутун жавобгарликни Хитой томони зиммасига юклайди.

ФЕВРАЛДА ОБ-ҲАВО

Февраль ойида об-ҳавонинг совуқ бўлиши кутилади. Бутун ой давомида ўртача ҳарорат 1 даража иссиқ ва 4 даража совуқ ўртасида бўлади.

Республикамизнинг шимолий-ғарбий районларида (Қорақалпоқ АССР, Хоразм ва Бухоро областининг шимолида) ҳаво 5-10 даражагача совуйди.

Ойнинг биринчи ва учинчи ўн кунлигида кечалари 6—11 даража совуқ, кундузи эса 0 даража атрофида бўлади. Шимолий-ғарбий районларда кечалари 15-20, кундузи 5-10 даража совуқ бўлиб, ойнинг иккинчи декадасида ҳаво бир оз исийди. Қолган жойларда кечалари 2-7, кундузи 10-15 даража, айрим жойларда 16-17 даражагача иссиқ бўлади. Республикамизнинг жанубий районларида ёғингарчиликнинг кўпроқ бўлиши кутилади.

Февраль ойида қор деярли ёғмайди. Ойнинг дастлабки кунларида ёғингарчиликнинг кўпроқ бўлиши кутилади. Вақти-вақти билан туман тушади.

В. М. ДЕВЧЕНКО,
Тошкент об-ҳаво бюросининг бош инженери.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети коллективи Ўзбекистон ССР халқ артисти Хонкелдиевга рафиқаси
Тошкан
ҲАМРАҚУЛОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ЎҚИБ БЕРИНГ

БАЛИҚЛАР НЕГА БЕЗАНДИ

ЭРТАК

Қадим замонларда балиқлар дарёларда бир хил рангдаги кийимда сузиб юришаркан. Бир кун узоқ-узоқлардаги денгиздан дарёга кучли, муғомбир чўртан балиқ келиб қолибди. У ҳеч бир балиққа тинчлик бермас, дуч келганини аёвсиз ютаверибди.

Балиқлар тўпланишиб, чўртан балиқдан қандай қилиб қутулиш йўлларини излабдилар. Ўйлаб-ўйлаб нима қилишни билмай туришганда уларнинг ёнига қурбақа келиб қолибди. Балиқлар ундан сўрашибди:

— Сен нега ялпиз кийлак кийиб олдинг? Яқиндагина сариғиш кийимда эдинг-ку?

— Қўр-кўр-кўр, Сизлар нега кийимларингни алмаштирмайсизлар? Бу ҳолда хаммаларинг чўртан балиққа ем бўлиб кетасанлар-ку, — дебдида оёқларини қимирлатиб, сув ўтлари орасига шўнғиб кетибди.

Балиқлар ўзларининг сариғиш кийимларига қараб, бошқа рангдаги кийим кийиш кераклигини тушунибдилар. Товон балиқ олтинранг камзул кийди. Карп балиқ кумушранг куйлак олди. Чавақ балиқ нафис оқ ранг халатга бурканди. Лаққа балиқ қора яхтак ёпинди. Танга балиқ майда-майда қора гулли куйлагини кийиб олди. Қилтирикли балиқ эса қора кўйлагини кийиб, ёқаларини кўтариб худди типратикканинг ўзгинаси бўлди-қўйди.

Чўртан балиқ қорни очиб, овга чиқди. Лаққа балиқ илгаригидек ундан қўркмасдан, қора яхтак кийиб бемалол сузиб юрибди. Чўртан балиқ уни ушлаб олиб, ютмоқчи бўлганида лаққа думини худди қармоқдек буриб турибди. Чўртан балиқнинг кўзлари олайиб, кўркиб кетди. Ҳавфдан узоқроққа юриш учун қамишлар орасига кириб кетди. У ерда товон балиқ ўйнаб юрган экан. У чўртан балиқни кўриши билан олтинранг бикинини у томон бурибди. Худди куёш чиққандек чўртан балиқнинг кўзлари камашиб кетибди. Бошқа балиқлар ҳам ҳар хил кийимларда унинг атрофида бемалол айланиб, сузиб юраверишибди.

Чўртан балиқ кўп сузибди, оч қолиб ҳолдан тойибди. Охири қилтирикли балиққа дуч келиб қолибди. Қилтирикли балиқ эса атайлаб унинг атрофида айланармиш. Шунда чўртан балиқнинг жаҳли чиқиб қилтирикли балиқни ушлаб олибди. Ушлаб олибди-ю, минг пушаймон қилибди. Чунки, қилтирикли балиқ нинадек қилтириклларини унга суқуб олибди.

Шундай қилиб чўртан балиқ оч ва наҳор қолибди. Очлигидан жаҳлдор, шум экан.

Н. МИШУТИН.

Бизнинг адрес: «Совет Ўзбекистони»

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283, Партия турмуши—В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалиги—В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В33670, В33553. Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эзловлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 28. ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 00594.